

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги томонидан
«қайта рўйхатга олинган»
2021 йил 23 февралда
481п-сон билан

**“ҚАЙТА РЎЙХАТДАН
ЎТКАЗИЛГАН”**

Ўзбекистон футбол
Ассоциациясининг 2020 йил 26
декабрдаги навбатдаги
Конгрессининг 1-баённомаси
қарори билан

«ТАСДИҚЛАНГАН»

ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛ АССОЦИАЦИЯСИ УСТАВИ

Тошкент шаҳри-2021 йил

МУНДАРИЖА

АТАМАЛАР ТАЛҚИНИ

I. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

- 1-модда. Номи, штаб-квартираси, ташкилий-ҳуқуқий шакли
- 2-модда. ЎФАнинг мақсад ва вазифалари
- 3-модда. ЎФАнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
- 4-модда. Бетарафлик ва камситмаслик
- 5-модда. Дўстона муносабатлар ўрнатиш
- 6-модда. Футболчилар
- 7-модда. Ўйин қоидалари
- 8-модда. Расмий органлар ва шахсларнинг муомаласи
- 9-модда. Расмий тиллар

II. АЪЗОЛИК

- 10-модда. Аъзоликка қабул қилиш, вақтинча аъзоликни тўхтатиш ва аъзоликдан чиқариш
- 11-модда. Аъзоликка қабул қилиш
- 12-модда. Аъзоликка қабул қилиш тўғрисидаги сўров ва ариза бериш тартиби
- 13-модда. Аъзоларнинг ҳуқуқлари
- 14-модда. Аъзоларнинг мажбуриятлари
- 15-модда. Вақтинча аъзоликни тўхтатиш
- 16-модда. Аъзоликдан чиқариш тартиби
- 17-модда. ЎФАга аъзоликнинг тўхтатилиши (йўқотилиши)
- 18-модда. Клублар, Ўзбекистон Профессional футбол Лигаси, ҳудудий ассоциациялар ва бошқа ЎФА аъзоларининг мақоми

III. ҲУДУДИЙ БЎЛИНМАЛАР. ФАХРИЙ ПРЕЗИДЕНТ ВА ФАХРИЙ АЪЗОЛАР

- 19-модда. Ҳудудий бўлинмалар
- 20-модда. Фахрий президент ва Фахрий аъзо

IV. ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШ

- 21-модда. ЎФАнинг раҳбар ва назорат органлари

A. Конгресс

- 22-модда. Конгресс ва унинг таркибий мақоми
- 23-модда. Конгрессга делегатлар ва уларнинг сайланиш тартиби
- 24-модда. Конгресснинг ваколатлари
- 25-модда. Конгресс Кворуми
- 26-модда. Конгресс қарорлари
- 27-модда. Конгресс сайловлари
- 28-модда. Навбатдаги Конгресс
- 29-модда. Навбатдаги Конгресс кун тартибини шакллантириш
- 30-модда. Навбатдан ташқари Конгресс
- 31-модда. Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш
- 32-модда. Конгресс баённомаси
- 33-модда. Қарорларнинг кучга кириш санаси

Б. Ижроия қўмитаси

- 34-модда. Ижроия қўмитаси таркиби
- 35-модда. Ижроия қўмитаси йиғилиши
- 36-модда. Ижроия қўмитаси ваколатлари
- 37-модда. Ижроия қўмитаси қарорлари
- 38-модда. ЎФА органларини тарқатиб юборилиш тартиби

В. Президент

- 39-модда. ЎФА президентининг мақоми
- 40-модда. ЎФА Биринчи вице-президентининг ҳуқуқ ва ваколатлари
- 41-модда. ЎФА президенти лавозимига номзодлар ва уларга қўйиладиган талаблар
- 42-модда. Вакиллик ва имзо

Г. ЎФА Ижроия қўмитасининг бюроси

- 43-модда. Ижроия қўмитасининг бюроси

Д. Доимий қўмиталар ва кенгашлар

- 44-модда. Доимий қўмиталар ва кенгашлар
- 45-модда. Молиявий қўмита
- 46-модда. Ички аудит бўйича қўмита
- 47-модда. Мусобақаларни ўтказиш бўйича Ташкилий қўмита
- 48-модда. Техник қўмита
- 49-модда. Ҳакамлик-инспекторлик қўмитаси
- 50-модда. Юридик қўмита
- 51-модда. Болалар ва ўсмирлар футбол қўмита
- 52-модда. Аёллар футбол қўмитаси
- 53-модда. Футзал ва пляж футбол қўмитаси
- 54-модда. Спорт тиббиёти қўмитаси
- 55-модда. Футболчиларнинг мақоми ва ўтиши бўйича қўмита
- 56-модда. Оммавий ахборот воситалари бўйича қўмита
- 57-модда. Мураббийлар кенгаши
- 58-модда. Муваққат қўмиталар

Ж. Бош котибият

- 59-модда. Бош котибият
- 60-модда. Бош котиб

З. Юрисдикция органлари

- 61-модда. Юрисдикция органлари
- 62-модда. Тартиб-интизом қўмита
- 63-модда. Этика қўмитаси
- 64-модда. Апелляция қўмитаси
- 65-модда. Тартиб-интизом чоралар
- 66-модда. Низоларни ҳал қилиш палатаси
- 67-модда. Ҳуқуқий ваколат доираси
- 68-модда. Спорт арбитраж суди

V. МОЛИЯ

- 69-модда. Молиявий ҳисобот даври
- 70-модда. Даромадлар
- 71-модда. Харажатлар
- 72-модда. Мол-мулк
- 73-модда. Мустақил аудит
- 74-модда. Аъзолик бадаллари
- 75-модда. Даъволар бўйича иш юритиш
- 76-модда. Тўловлар

VI. МУСОБАҚАЛАР ҲАМДА УЛАРГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАР

- 77-модда. Мусобақалар
- 78-модда. Клубларни лицензиялаш
- 79-модда. ЎФА ва аъзоларининг мусобақаларга бўлган ҳуқуқлари
- 80-модда. ЎФА ва аъзоларининг мусобақаларга бўлган ҳуқуқларини ўтказишга бўлган санкция
- 81-модда. Халқаро ўйинлар ва мусобақалар
- 82-модда. ЎФАнинг халқаро алоқалари
- 83-модда. ФИФА рухсати

VII. ЯКУНИЙ ҲОЛАТЛАР

- 84-модда. Қутилмаган вазиятлар ва форс-мажор ҳолатлар
- 85-модда. ЎФАни тугатиш ва қайта ташкил этиш тартиби
- 86-модда. Кучга кириши

АТАМАЛАР ТАЛҚИНИ

Бу ерда келтирилган атамалар қуйидагиларни англатади:

ЎФА: Ўзбекистон Футбол Ассоциацияси;

ФИФА: Халқаро Футбол Ассоциациялари Федерацияси;

ОФК: Осиё Футбол Конфедерацияси;

МОФА: Марказий Осиё футбол Ассоциацияси;

Ўзбекистон Профессинал футбол лигаси: ЎФА томонидан тан олинган нодавлат ноижорат ташкилоти бўлиб, унга аъзолик мажбурияти асосида спорт масалалари бўйича бўйсунди, ўз фаолиятида спорт масалалари бўйича ФИФА, ОФК, ЎФА регламентлари ва қоидалари устунлигини тан олган ҳолда фаолият юритади, ЎФА берган ҳуқуқ ва ваколатлар асосида барча професинал футбол мусобақаларини ўтказди;

Худудий бўлинмалар: ЎФАга ҳисобот берувчи ташкилот (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри футбол ассоциациялари);

Клуб: Футбол бўйича професинал мақомдаги спорт мусобақаларида иштирок этувчи спорт ташкилоти, ЎФА аъзоси;

Расмий шахслар: Барча раҳбарий орган аъзолари, қўмиталар аъзолари, мураббийлар, ҳакамлар, маъмурият ходимлари, шунингдек, ФИФА, Конфедерациялар, Миллий Ассоциациялар, Лигалар ёки Клубда техникавий, маъмурий ва тиббий масалаларга жавоб берувчи бошқа шахслар;

Футболчи: Ассоциация томонидан тегишли тартибда рўйхатга олинган спортчи бўлиб, професинал асосда футбол билан мунтазам равишда шуғулланадиган, ўз спорт маҳоратини доимий ошириб борадиган ва футбол бўйича ўтказиладиган мусобақаларда қатнашадиган жисмоний шахс;

Конгресс: ЎФА олий органи;

Ижроия қўмитаси: ЎФА ижро этувчи органи;

Аъзо: ЎФА Конгресси томонидан аъзоликка қабул қилинган **жисмоний ёки** юридик шахс;

Ассоциатив футбол: ФИФА томонидан назорат қилинувчи ва футбол ўйини Қоидаларига мувофиқ равишда ташкил қилинган ўйин;

ФАХК (IFAB): Футбол Ассоциациялари Халқаро Кенгаши;

Давлат судлари: Умумий юрисдикция судлари (фуқаролик, маъмурий, иқтисодий ва жиноий ишлар бўйича судлар);

Низоларни ҳал қилиш палатаси: Расмий шахслар, футболчилар, футбол клублари, воситачилар(агентлар) ҳамда футбол соҳасининг бошқа субъектлари ўртасида вужудга келадиган меҳнат муносабатлари бўйича низоларни кўриб чиқувчи, ЎФА ваколатли юрисдикция органи;

Воситачи (спорт бўйича агент): професинал спорт ва футбол субъекти ҳисобланган жисмоний ёки юридик шахс (шу жумладан, хорижий жисмоний ёки юридик шахс) бўлиб, у юридик ва бошқа ҳаракатларни бажариш орқали футболчилар ва тренерларни професинал футбол клубига (шу жумладан, хорижий клубларга) ишга жойлаштиришда кўмаклашиш бўйича фаолиятни ҳақ эвазига ёки бепул амалга оширади, шу жумладан трансфер контракти(шартномаси)ни тузиш ва/ёки меҳнат шартномасини тузиш (ўзгартириш, бекор қилиш) мақсадида футболчилар, тренерлар ва/ёки Клублар (шу жумладан, хорижий клублар) манфаатларини ҳимоя қилади.

CAS: Лозанна шаҳридаги (Швейцария) Спорт Арбитражи суди (Court of Arbitration for Sport, CAS, Tribunal Arbitral du Sport).

Мазкур Устав билан барча жисмоний шахсларга нисбатан қўлланган кўрсатмалар ҳам эркаклар, ҳам аёлларда бир хилда, бирлик ва кўпликда маъносига зарар етказмай қўллаш мумкин.

I. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Номи, штаб-квартираси, ташкилий-ҳуқуқий шакли

1. Ўзбекистон Футбол Ассоциацияси (ЎФА) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 77-моддасига, “Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги ва “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонунларига мувофиқ ташкил этилган.

ЎФАнинг фаолият муддати чекланмаган.

2. ЎФА нодавлат нотижорат ташкилот бўлиб, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, ФИФА, ОФК таъсис ҳужжатлари, қоидалари ва мазкур Уставга биноан амалга оширади ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўзига тегишли мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни қонуний ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.

Ташкилий-ҳуқуқий шакли – Ассоциация (юридик шахслар уюшмаси).

Мазкур ташкилот муқаддам 2009 йил 30 декабрда Адлия вазирлиги томонидан 481п-сон билан Ўзбекистон футбол федерацияси (ЎФФ) номи билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

3. ЎФА Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятини амалга оширади.

4. ЎФА ҳамда ЎФА аъзоларининг фаолиятига давлат (унинг органлари)нинг аралашувиға йўл қўйилмайди.

5. Ассоциациянинг расмий номланиши қуйидагича:

- ўзбек тилида:
 - лотин алифбосида - “O‘zbekiston futbol assotsiatsiyasi”;
 - кирилл алифбосида - “Ўзбекистон футбол ассоциацияси”;
- рус тилида – «Ассоциация футбола Узбекистана»;
- инглиз тилида – «Uzbekistan Football Association».

ЎФА доимий асосда ишлайдиган раҳбар орган жойлашган жой (қароргоҳ) қуйидаги манзил бўйича жойлашган: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 100011, Ислом Каримов кўчаси, 98 «А» уй.

6. ЎФА – ФИФА, ОФК ва МОФА аъзосидир.

7. ЎФА ўз фаолиятини қонунийлик асосида ва ўз аъзоларининг тенг ҳуқуқлилик принципида олиб боради.

8. ЎФА мустақил балансга, ҳисоб-китоб варағи ва бошқа ҳисоб варақларга, шу жумладан, валюта ҳисоб варағига, ўз номи ёзилган думалоқ муҳрга, штамплар ва бланкаларга, расмий нишон, мадҳия, байроқ, жетон, медал, диплом ва фахрий ёрлиқларга эга бўлади.

9. ЎФА юридик шахс ҳисобланиб, мулк ҳуқуқида алоҳида мол-мулкка эга бўлади ва ўз мажбуриятлари юзасидан ана шу мол-мулк билан жавоб беради, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

10. ЎФА халқаро ва бошқа тадбирларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ва Давлат мадҳиясидан фойдаланади. ЎФА рамзи ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ адлия органларида рўйхатдан ўтказилади.

2-модда. ЎФАнинг мақсад ва вазифалари

1. ЎФАнинг асосий мақсадлари барча мақбул воситалар ёрдамида футболни ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳисобланади. ЎФА мақсадларга таяниб ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ қуйидаги вазифаларни ҳал этади:

1) республикада футболни ҳар томонлама ва доимий тарзда ривожлантириш, шунингдек “Ҳалол ўйин” («Фэйр плэй») тамойиллари ва унинг тарбиявий, маданий ва инсонпарварлик ўрни нуқтаи назаридан, болалар, ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги ҳамда футболни оммавий ривожлантириш орқали бутун республика ҳудудида уни мувофиқлаштириш ва тартибга солиш;

- 2) миллий даражада барча шаклдаги Ассоциатив футбол бўйича мусобақаларни уюштириш, бунда талабларга мувофиқ у таркиб топган чемпионатни бошқарувчи органларнинг жавобгарлик чегараларини аниқ белгилаш;
- 3) тартиб ва низомларни ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш;
- 4) ўз аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилиш;
- 5) ФИФА, ОФК ва ЎФА Устави, низомлари, кўрсатма ва қарорларига, шунингдек, футбол ўйини Қоидаларига нисбатан хурматда бўлиш ва уларнинг бузилишининг олдини олиш ҳамда уларни ўз аъзолари томонидан риоя қилишларини таъминлаш;
- 6) матч (баҳс) ёки турнирлар ўтказилишига хавф туғдирувчи ёки Ассоциатив футболга зарар келтириши мумкин бўлган ҳар қайси усул ва тажриба амалиётларини олдиндан бартараф қилиш;
- 7) ЎФА республика ҳудудида унинг розилиги билан ўтказилаётган Ўзбекистоннинг турли ёш даражасидаги ёки бошқа терма жамоалар иштирокидаги, шунингдек, клублар даражасидаги барча ўртоқлик футбол ўйинларини (баҳслари) назорат қилиш ва ўтказилишини таъминлаш;
- 8) ҳар қайси шаклдаги Ассоциатив футболга тааллуқли бўлган халқаро спорт алоқаларини рағбатлантириш ва мувофиқлаштириш;
- 9) халқаро (ФИФА, ОФК, МОФА раҳбарлигидаги, минтақавий) даражадаги мусобақаларни қабул қилиш ва муносиб равишда ўтказиш;
- 10) ўйингоҳларга мухлисларнинг ташрифини ошириш йўлида мунтазам равишда клублар билан иш олиб бориш, ўйингоҳларда мухлислар учун шарт-шароитларни яхшилаш бўйича мунтазам ишлар олиб бориш;
- 11) соғлом турмуш тарзи, саломатлик профилактикаси ва муҳофазаси, футболни оммавий ривожлантиришга қаратилган давлат даражасидаги дастур ва стратегияларни яратиш ва амалга ошириш;
- 12) футбол бўйича турли даражадаги мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказиш ташаббускори сифатида қатнашиш;
- 13) футбол бўйича терма жамоалар, футбол клублари ва спорт мактаблари учун захира тайёрлашда давлат, жамоат ва бошқа ташкилотларга кўмаклашиш;
- 14) меҳнат жамоаларида, ўқиш ва яшаш жойларида спортчиларни тайёрлаш ва футболни ривожлантириш бўйича амалий ишларни таъминловчи манфаатдор давлат бошқаруви, маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ва жамоатчилик ташкилотларга (амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда) кўмаклашиш;
- 15) футбол бўйича спорт иншоотларини куриш, қайта тиклаш, таъмирлаш ва сақлаш ишларини амалга оширувчи ташкилотларга кўмаклашиш;
- 16) мамлакатнинг футболга бевосита алоқадор спорт ташкилотлари учун спортчилар, мураббий ва ҳакамлар тайёргарлигини, шу жумладан, спорт ва ижодий ғоялар алмашинуви, кадрларни танлаш, тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, футболнинг тўлақонли ва ҳаққоний ривожланишини таъминлашни амалга оширувчи оммабоп нодавлат тизими яратилиши ва унинг амал қилишини таъминлашга кўмаклашиш;
- 17) спорт фаолиятини тугатган футбол функционерлари (футболчилар, ҳакамлар ва мураббийлар ва ҳ.к.)нинг замонавий ҳаёт шароитларга мослашиш тизимини яратиш ва амалга жорий этишга кўмаклашиш, уларнинг спорт соҳасидаги тажрибаларига асосланган касбни эгаллаш ва келгусида иш билан таъминлашда уларга амалий ёрдам кўрсатиш;
- 18) терма жамоалар ва клублардаги профессионал мажбурияти доирасидаги иштироки давомида ижтимоий кўмакка, хусусан, тиббий кўмакка муҳтож спортчиларга моддий, тиббий, ижтимоий ёрдам беришга қаратилган умуммиллий дастурларни ишлаб чиқишда ва жорий қилишда кўмаклашиш;
- 19) футбол оммавийлигини таъминлаш учун унинг кенг тарғиботини босма ва электрон ОАВ, шунингдек, давлат ва нодавлат секторга қарашли ТВ ва радио орқали олиб боришга рағбат кўрсатиш, бу масалага бевосита алоқадор шахсларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш;

20) ахборот маълумот материаллар, ўқув-услубий, оммабоп спорт адабиётини ва кўргазмали ташвиқот воситаларни тайёрлаш, чоп этиш ва тарқатишда кўмаклашиш;

21) икки ва ундан кўпроқ минтақавий ассоциация ёки клублар ўртасида пайдо бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай келишмовчиликларни ҳал қилишда Устав ва бошқа норматив ҳужжатлардан келиб чиқувчи принципларга таяниш;

22) футболни ривожлантириш бўйича дастур ва лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун ҳомийлар (юридик ва жисмоний шахслар) ва чет эл инвесторлари билан манфаатли иш олиб бориш;

23) футболни ривожлантириш бўйича илғор тажрибани оммалаштириш ва ўрганишга қаратилган республика ва халқаро амалий ва назарий Конгресс, семинар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

24) мураббийлик таълими ва уларнинг малакасини ошириш бўйича барча даражадаги халқаро ва ички курсларни, семинарлар, тренинглар, Конгресслар ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек, инструкторлар тайёрлаш бўйича курслар ва семинарлар ўтказиш;

25) республика умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактабларини қамраб олган, барча ёш тоифаларига оид жамоалар ўртасида футбол бўйича мусобақалар ташкиллаштириш (назарий ва амалий жиҳатлар) борасида ишларни олиб бориш;

26) халқаро мусобақаларда (Жаҳон чемпионати, Осиё Кубоги, Олимпия ва Осиё ўйинлари финал босқичи ва саралаш босқичлари ва ҳ.к.) қатнашиш учун футбол бўйича терма жамоаларни шакллантиришга оид ишларни мунтазамлилик асосида олиб бориш;

27) футбол бўйича ўқув дастурлар, режалар ва услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш учун илмий-услубий бўлимни шакллантириш ва молиялаштириш бўйича ишларни олиб бориш;

28) электрон ва босма оммавий ахборот воситаларида футболга оид ахборотларни тўғри ва ўз вақтида тарқатиш, мухлислар орасида эса нотўғри хабар ва янгиликлар тарқалишининг олдини олиш бўйича ишларни олиб бориш;

29) барча даражадаги футбол баҳсларини ташкиллаштириш йўли билан минтақавий ассоциациялар, шунингдек уларнинг расмий шахслари ва ўйинчилари ўртасида дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш бўйича ишларни олиб бориш ҳамда минтақаларда футбол ривожланишини қўллаб-қувватлаш учун тегишли чора-тадбирларни кўриш;

30) халқаро майдонда Ўзбекистон футболни, хусусан, унинг ички чемпионатлари жозибадорлигини намоён қилиш, нуфузини ошириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

31) футболдаги зўравонлик, ирқий, миллий, сиёсий, жинсий, диний ва ўзга шакллар асосидаги барча турдаги камситишларга қарши чоралар кўриш бўйича ишларни олиб бориш;

32) Интернет тармоғи орқали расмий веб-сайтлар, босма оммавий ахборот воситаларини (газета, журналлар, альманахлар), шунингдек буклет, плакат, дастур, тақвим ҳамда футбол ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи бошқа турдаги босма маҳсулотларни чоп этиш;

33) ҳалол спорт кураши, рақибига нисбатан олижаноблик муносабатида бўлиш принципларида ёшларни тарбиялаш бўйича ишларни олиб бориш. Ўзбекистон Республикасининг спортчилар ва спорт ташкилотларини тинчликни сақлашда, "Ҳалол ўйин" ва "Ирқчиликка йўл йўқ" оммавий-ижтимоий ҳаракатларига кўмаклашишда, сиёсий мақсадларда футболдан фойдаланиш борасида уринишларга қаршилик кўрсатишда фаол қатнашишларига жалб қилиш;

34) футболда допингни қўллашга қарши кураш бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига, халқаро конвенциялар талабларига ва ФИФА Тиббий Кодекси қоидаларига риоя қилиш бўйича тегишли чораларни кўриш борасида ишларни ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш;

35) футбол бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, бошқа мамлакатларнинг миллий футбол федерациялари (ассоциациялари, иттифоқлари) билан алоқаларни ўрнатиш ва кенгайтириш, ФИФА ва ОФК билан доимий алоқаларни амалга ошириш бўйича ишларни олиб бориш;

36) турли мақомдаги халқаро турнирларда юқори натижаларга эришган футболчиларни, юртимиз номини муносиб ҳимоя қилаётган футбол ҳакамлари ва мураббийларини рағбатлантириш бўйича ишларни олиб бориш;

37) футбол ўйинларини телетрансляция (радиоэшиттириш) қилиш шартлари бўйича Ўзбекистон МТРК ва бошқа нодавлат телерадиокомпаниялари билан лицензия шартномаларини тузиш;

38) мазкур Устав, ФИФА томонидан тасдиқланган тартиблар ва ўйин Қоидалари бузилишини олдини олишга қаратилган зарурий ва тегишли чораларни кўриш, шунингдек ўйин Қоидаларига нотўғри ва ўзга усулларни жорий этилишининг олдини олиш, футболда ҳалол ўйин принципини узил-кесил қарор топтириш, баҳсларнинг келишилган ўйин хусусиятини олишига қарши ФИФА талаблари асосида қатъий курашиш;

39) белгиланган мақсадларни рўёбга чиқариш учун хорижий ташкилотлар билан алоқаларни ўрнатиш ва унинг доимийлигини таъминлаш;

40) мамлакатда футболни ривожланишини иқтисодий жиҳатдан таъминлаш борасида маркетинг бўйича ишларни кенгайтириш;

41) Ўзбекистон терма жамоаларни зарурий асбоб-анжомлар, жиҳоз, спорт кийими, тиббий-биологик, фармакологик, фармацевтик ва бошқа тақиқланмаган тиклаш воситалари билан таъминлашни амалга ошириш, шунингдек, халқаро мусобақаларга тайёргарлик кўришда уларга зарурий шарт-шароитларни яратиб бериш;

42) ногиронлиги бўлган шахслар орасида футбол ривожланишини қўллаб-қувватлашни ташкиллаштириш бўйича ишларни олиб бориш;

43) хайрия ва хотира тадбирларида қатнашиш, мамлакатимиз футболни учун юксак ҳисса қўшган клублар, шахслар ва футболга алоқадор шахслар хотирасини абадийлаштириш ишларини ташкиллаштириш;

44) футбол ривожига катта ҳисса қўшган футбол фахрийларига, футболчиларга, мураббийларга, ҳакамларга ва бошқа шахсларга, шунингдек ЎФА аъзоларига ва футболни ривожлантирганлиги учун бошқа шахсларга ҳар томонлама моддий ва маънавий кўмак кўрсатиш;

45) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ва уставдаги мақсад ва вазифаларга эришиш учун қаратилган бошқа фаолиятни амалга ошириш бўйича ишларни олиб бориш.

3-модда. ЎФАнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

1. ЎФА ўз мажбуриятлари юзасидан фақат ўз мол-мулки доирасида жавобгар бўлади.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, унинг органлари ва ташкилотлари ЎФА мажбуриятлари ва қарзлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек, ЎФА ҳам Ҳукумат, унинг органлари ва ташкилотлари мажбуриятлари ва қарзлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

3. ЎФА ҳудудий ассоциацияларни, агар уларнинг Уставлари ФИФА Устави ва ЎФА Уставига зид бўлмаса, тан олиши мумкин.

4. ЎФА Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талаблари асосида республика ва чет эл банкларида ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа ҳисобрақамлар очиши ҳамда улар бўйича тегишли молиявий операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

5. ЎФА ўз фаолиятини таъминлаш учун шартномавий асосда ҳақ тўлаган ҳолда доимий ва вақтинчалик комиссиялар, ишчи гуруҳлар ва жамоаларни шакллантириши мумкин.

6. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, ЎФА устав вазифаларини бажариш мақсадида, жумладан, чет эл юридик шахслари билан биргаликда шўъба корхоналар, филиаллар ва юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларни таъсис этиши, фаолияти ЎФА олдига қўйилган мақсадларга эришиш ва вазифаларни бажаришга хизмат қиладиган мазкур ташкилотлар фаолиятида қўшимча моддий ва пул маблағларини жалб қилиш учун иштирок этиши, реклама ҳамда хайрия фаолияти билан шуғулланиши, уларни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда қайта ташкил этиши ва тугатиши мумкин. ЎФАнинг ишлаб

чиқариш ва хўжалик фаолиятдан олинган даромадлари ЎФА аъзолари ўртасида қайта тақсимланиши мумкин эмас ва фақат устав мақсадлари ҳамда вазифаларини бажариш, шунингдек хайрия мақсадларига ишлатилиши лозим.

7. ЎФА ваколатларга мувофиқ халқаро (нодавлат) бирлашмаларга аъзо бўлиши, хорижий ташкилотлар, компаниялар ва алоҳида жисмоний шахслар билан тадбиркорлик (бизнес) муносабатларига киришиши, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида турли юридик ҳаракатларни, жумладан ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириши мумкин.

8. ЎФА ўз манфаатларини давлат бошқарув ва маҳаллий ҳокимият органлари, шунингдек тегишли халқаро ташкилотларда ифода этиши мумкин.

9. ЎФА қуйидаги алоҳида ҳуқуқларга эга:

а) Ўзбекистон Республикасини ФИФА, ОФК, Халқаро Олимпия Қўмитаси (ХОК) ва Осиё Олимпиада Кенгаши (ООК) ҳомийлигида ўтказиладиган футбол бўйича халқаро мусобақаларда ифода этиш;

б) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ЎФАнинг рамзлардан фойдаланишга мутлақ эгалик ҳуқуқини амалга ошириш;

в) ўрнатилган тартибда рўйхатга олинган тегишли эмблема ва логотиплардан фойдаланишга эгалик ҳуқуқи, шунингдек ундан реклама, тижорат ва бошқа мақсадларда фойдаланиш;

г) Ўзбекистон терма жамоаси таркибига кирувчи ўзбекистонлик спортчилар ва уларнинг мураббийлари хусусида реклама ва ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш, терма жамоалар билан боғлиқ бўлган пайтида уларнинг имиджларидан реклама мақсадларида фойдаланиш;

д) ЎФА томонидан республика ҳудудида ўтказиладиган барча спорт ва тижорий тадбирларни ташқи реклама қилиш, теле ва радиотрансляция қилиш.

10. ЎФАнинг мажбуриятлари:

а) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, халқаро ҳуқуқнинг унинг фаолияти соҳасига тегишли умумий эътироф этилган принциплари ва нормалари, шунингдек Уставда кўзда тутилган нормаларга риоя қилиш;

б) ҳар йили рўйхатга олувчи органни ўз фаолиятини давом эттириши тўғрисида аниқ жойлашган манзили, домий фаолият юритувчи раҳбарлик органи, унинг номи ва ЎФА раҳбарияти тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиладиган маълумотлар ҳажмида хабардор қилиш;

в) рўйхатга олувчи органнинг сўровига кўра, ЎФА раҳбарлик органлари ва мансабдор шахслари буйруқлари, шунингдек ўз фаолияти тўғрисидаги йиллик ҳисоботларни солиқ органларига бериладиган маълумотлар ҳажмида тақдим этиш;

г) рўйхатга олувчи орган, жисмоний тарбия ва спортга масъул бўлган давлат бошқаруви органи вакиллари ЎФА томонидан ўтказиладиган ташкилий тадбирларга тақлиф қилиш;

д) рўйхатга олувчи орган вакилларига ЎФА фаолияти билан устав мақсадларига эришиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан танишишларига кўмаклашиш;

е) ўз штат аппаратининг шахсий таркиби бўйича ҳужжатлар ҳисоби юритилиши ҳамда сақланишини таъминлаш.

11. ЎФА ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш, юридик шахс мақомига эга бўлган шўъба ва қўшма корхоналарни тузиш, матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ оммавий ахборот воситаларини таъсис этишга ҳақли.

4-модда. Бетарафлик ва камситмаслик

1. ЎФА сиёсий ва диний масалаларда бетарафдир.

2. Мамлакат, хусусий шахс, гуруҳга нисбатан миллати, жинси, тили, дини, сиёсий қарашлари ва бошқа сабабларга кўра камситувчи муносабатда бўлиш қатъий тақиқланади

ва ихтисосликдан маҳрум қилиш (дисквалификация) ҳамда ЎФА аъзолигидан чиқариш билан жазоланади.

5-модда. Дўстона муносабатлар ўрнатиш

1. ЎФА ўз аъзолари, клублар, расмий шахслар ва футболчилар ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантириши, шунингдек инсонпарварлик мақсадларида жамиятда шундай алоқалар йўлга қўйилишига кўмаклашиши лозим.

2. Футбол соҳасига жалб этилган ҳар битта шахс ёки ташкилот Устав, Регламентлар ва “Ҳалол ўйин” («Фэйр плэй») принципларига, шунингдек холислик, дахлсизлик ва спорт этикаси принципларига амал қилиши лозим.

3. ЎФА унинг аъзолари, клублар, расмий шахслар ва футболчилар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай низоларни ҳал қилиш бўйича устувор ҳуқуққа эга ва бу вазифани ҳал этиш учун тегишли чораларни кўради.

6-модда. Футболчилар

1. Футболчилар мақоми ва уларнинг трансфери билан боғлиқ қоидалар ФИФАнинг футболчиларнинг мақоми ва трансфери бўйича амалдаги Регламентига мувофиқ ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган ички Регламенга мувофиқ тартибга солиниши лозим.

2. Футболчилар ЎФА талабларига мувофиқ тегишли тартибда рўйхатдан ўтишлари лозим.

3. ЎФА клублардаги футболчиларнинг шахсига ва спорт кўрсаткичларига оид маълумотлар асосида маълумотлар базаси тузиши ва уни юритиши мумкин.

7-модда. Ўйин қоидалари

1. ЎФА ва унинг ҳар битта аъзоси ФАХК (IFAB) чиқарган Қоидаларга мувофиқ ассоциатив футбол ўйнайди. Фақат ФАХК (IFAB) Ўйин қоидаларини талқин қилиш ёки ўзгартиришга ҳақли.

8-модда. Расмий органлар ва шахсларнинг муомаласи

1. ЎФА расмий органлари ва шахслари ўз фаолиятида ФИФА, ОФК ва ЎФА Устави, регламентлари, директивалари, қарорлари ва ФИФА Этика кодексига амал қилиши лозим.

9-модда. Расмий тиллар

1. ЎФАнинг расмий тиллари ўзбек ва рус тиллари ҳисобланади. Расмий ҳужжатлар ва матнлар шу тилларда ёзилиши мумкин. Турли тиллардаги матнларнинг турлича таржималари ўртасида фарқ юзага келган ҳолда ўзбек тилида ёзилган матн устувор ҳисобланади. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси футбол ассоциацияси учун расмий тиллар сирасига қорақалпоқ тили ҳам қиради.

2. ЎФА Конгрессининг расмий тиллари ўзбек ва рус тиллари ҳисобланади.

II. АЪЗОЛИК

10-модда. Аъзоликка қабул қилиш, вақтинча аъзоликни тўхтатиш ва аъзоликдан чиқариш

1. Аъзоликка қабул қилиш, вақтинча аъзоликни тўхтатиш ва/ёки чиқариш тўғрисидаги қарор ЎФА президенти ва биринчи вице-президенти томонидан қабул қилинади.

2. Агар номзод ЎФА талабларига мувофиқ бўлса аъзоликка қабул қилиш амалга оширилиши мумкин.

3. Аъзолик аъзоликдан чиқариш сабабли тугатилади. Аъзоликни йўқотиш ЎФА ёки унинг аъзоларига нисбатан молиявий мажбуриятлардан озод қилмайди, бироқ ЎФАга нисбатан барча ҳуқуқлар бекор қилинишига олиб келади.

11-модда. Аъзоликка қабул қилиш

1. Қуйидагилар ЎФА аъзоси бўлиши мумкин:

- а) Худудий футбол ассоциациялари;
- б) Ўзбекистон Профессионал футбол Лигаси;
- в) Ўзбекистон футбол клублари;
- г) Ўзбекистон футбол фахрийлари кенгаши;
- д) Республика футбол бўйича спорт маҳоратини ошириш олий мактаби;
- е) Республика ва худудий болалар-ўсмирлар футбол академиялари;
- ё) Футбол ишқибозлари клуби;
- ж) Футболчилар гуруҳлари;
- з) Мураббийлар гуруҳлари;
- и) Ҳакамлар гуруҳлари;
- й) Фаолияти футболни ривожлантириш билан боғлиқ бошқа ташкилотлар.

2. ЎФАга аъзо бўлишни истаган ҳар қандай **юримдик шахс** ЎФА Ижроия Кўмитасига ёки Ижроия кўмитаси бюросига ёзма ариза тақдим этиши лозим.

3. Аризага қуйидаги зарур ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

а) унинг устави ва давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси (агар юримдик шахс бўлса);

б) ЎФА, ФИФА ва ОФК Устави, регламенти ва қарорларини бажаришни зиммасига олиши тўғрисидаги ёзма кафолат хати, шунингдек ушбу қоидаларга уларнинг аъзолари риюя қилиши тўғрисидаги тасдиқнома;

в) талабгор томонидан амалдаги Футбол ўйини қоидаларига риюя қилиши тўғрисидаги ёзма кафолат хати;

г) талабгор мазкур Уставда кўрсатилганидек, ФИФА, ОФК қарорларини, ЎФА Ижроия кўмитаси қарорларини ва Лозаннадаги Спорт Арбитражи суди ажрим ва қарорларини тан олиши тўғрисидаги ёзма кафолат хати;

д) талабгор Ўзбекистон худудида жойлашганлиги ва рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги ёзма кафолат хати (агар юримдик жиҳатдан зарур бўлса);

е) ўзининг барча расмий уй баҳсларини Ўзбекистон Республикаси худудида ўтказиши тўғрисидаги ёзма кафолат хати;

ё) ҳеч қандай учинчи томонга боғлиқ бўлмаган ҳолда қарорлар қабул қилишга юримдик ҳуқуқи борлиги тўғрисидаги ёзма кафолат хати;

ж) учинчи томон билан юримдик кучга эга бўлган шартномаларни имзолаш ҳуқуқига эга расмий шахсларни белгиловчи рўйхат;

з) талабгор таъсис ҳужжатида кўра раҳбар органининг ЎФАга аъзо бўлиш масаласи кўрилган йиғилиш баённомаси нусхаси.

4. Ушбу модда айна пайтда аъзо бўлганларнинг мақомига таъсир қилмаслиги лозим.

12-модда. Аъзоликка қабул қилиш тўғрисидаги сўров ва ариза бериш тартиби

1. Аъзоликка қабул қилиш тартиби ЎФА Ижроия кўмитаси томонидан тасдиқланган алоҳида регламент билан тартибга солинади.

2. Ижроия кўмитаси Конгрессда аризагини қабул қилиш ёки қилмаслик тўғрисидаги тақлифни ўртага ташлайди. Аризачи Конгрессда кўриб чиқиш учун ариза бериш сабабларини кўрсатиши мумкин.

3. Янги аъзо аъзоликка қабул қилинган пайтдан бошлаб ЎФА аъзосининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлади. У томонидан сайланган делегатлар шундан сўнг овоз бериш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлади.

13-модда. Аъзоларнинг ҳуқуқлари

1. ЎФА аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) ЎФА Конгрессда кун тартиби билан таништирилган, белгиланган муддатда унда иштирок этиш учун чақирилган ҳолда қатнашиш;

б) Конгресс кун тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида тақлифлар киритиш;

в) ЎФАнинг барча органларига сайлаш учун номзодлар кўрсатиш;

г) ЎФА расмий органларидан ЎФА ишлари тўғрисида маълумот олиш;

- д) ЎФА томонидан ташкил қилинадиган мусобақалар ҳамда бошқа спорт тадбирларида иштирок этиш;
 - е) ЎФА хизматлари ва имкониятларидан фойдаланиш.
 - ж) ЎФА таркибидан исталган вақтда чиқиш;
 - и) ЎФА Устави ва Регламентидан келиб чиқувчи қолган барча ҳуқуқлардан фойдаланиш.
2. Ушбу ҳуқуқлардан фойдаланиш мазкур Устав қоидалари ва тегишли регламентлар билан келишиб олинади.

14-модда. Аъзоларнинг мажбуриятлари

1. ЎФА аъзолари куйидаги мажбуриятларга эга:
- а) доимо ФИФА, ОФК ва ЎФА Устави, регламенти, директивалари ва қарорларига тўла мувофиқликда ҳаракат қилиш ва ўз аъзоларининг уларга риоя қилишини таъминлаш;
 - б) ўзининг қарор қилувчи органларига сайловларни амалга ошириш;
 - в) ЎФА томонидан ташкил қилинадиган мусобақалар ва бошқа спорт тадбирларида қатнашиш;
 - г) аъзолик бадаллари ва бошқа тўловларни ўз вақтида тўлаш;
 - д) ФАХК (IFAB) томонидан баён қилинган ўйин Қоидаларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш ва уставдаги алоҳида қоидалар воситасида ўз аъзоларининг ушбу қоидаларга риоя қилишини таъминлаш;
 - е) ўз Уставида арбитражни талаб қилувчи ва аъзонинг ўзи ёки аъзолардан бирига тегишли ва ФИФА, ОФК, ЎФА ёки ПФЛ Устави, регламенти ва қарорлари билан боғлиқ бўлган ҳар қандай мунозаралар тўлиқ ФИФА, ОФК ёки ЎФА ҳуқуқий ваколат доираси остида бўлиши ҳамда бевосита футбол бўйича ҳар қандай давлат судларига мурожаат қилиш тақиқланиши тўғрисидаги бандни ифодалаш;
 - ж) ЎФАга ўз Устави ва регламентларидаги ҳар қандай ўзгаришлар, учинчи томон билан юридик кучга эга бўлган шартномаларни имзолаш ҳуқуқига эга расмий шахслар рўйхати тўғрисида хабар бериш;
 - з) тан олинмаган ташкилотлар ёки вақтинча ихтисосликдан маҳрум қилинган (дисквалификация қилинган) ёки чиқарилган аъзолар билан спорт тусидаги ҳар қандай алоқаларни ўрнатмаслик;
 - и) Уставга тегишли бандларни киритиш орқали холислик, дахлсизлик ва “Ҳалол ўйин” («Фэйр плэй») намоён бўлиши сифатида яхши спорт ахлоқи принципларига амал қилиш;
 - й) ўз аъзолигининг бутун даври мобайнида ФИФА, ОФК ва ЎФА Устави ва Регламентлари билан белгиланган мажбурий талабларга риоя қилиш;
 - к) аъзоликнинг доимий ва янгиланадиган ҳисобини юритиш;
 - л) ЎФА, унинг аъзолари, раҳбарияти ва ҳаракатлари юзасидан ноўрин ва исботланмаган фактлар баён этилган оммавий танқид билан чиқмаслик;
 - м) Устав ва ФИФА, ОФК ва ЎФАнинг бошқа тартибга солувчи ҳужжатларидан келиб чиқувчи мажбуриятларга тўлиқ риоя қилиш.
2. Юқоридаги мажбуриятларнинг ҳар қандай аъзо томонидан бузилиши мазкур Уставда кўзда тутилган санкциялар қўлланишига олиб келиши мумкин.

15-модда. Вақтинча аъзоликни тўхтатиш

1. Конгресс ҳар қандай Аъзонинг вақтинча аъзолигини тўхтатиш учун тўлақонли ваколатли ҳисобланади. Шунингдек, Ижроия қўмитаси ҳам ўз аъзолик мажбуриятларини жиддий равишда ва бир неча марта бузган Аъзонинг вақтинча аъзолигини тўхтатиши мумкин. Вақтинча аъзоликни тўхтатиш, агар Ижроия қўмитаси уни ўз вақтида бекор қилмаса, навбатдаги Конгрессгача давом этиши мумкин.
2. Вақтинча аъзоликни тўхтатиш кейинги Конгресс томонидан учдан икки (2/3) қисм овоз билан тасдиқланиши лозим. Агар овоз беришда тегишли кўпчилик овоз йиғилмаса, вақтинча аъзоликни тўхтатиш ўз ўзидан бекор бўлади.

3. Вақтинча аъзолиги тўхтатилган шахс ўзининг аъзолик ҳуқуқларини йўқотади. Бошқа аъзолар вақтинча аъзолиги тўхтатилган аъзо билан спорт алоқаларида бўлмайдилар.
4. ЎФА спорт тадбирларида кетма-кет 3 йил қатнашмаган аъзолар Конгрессда овоз бериш ҳуқуқини йўқотади, улар ушбу жиҳатдан мажбуриятларини бажармагунга қадар уларнинг вакиллари сайланиш ёки тайинланиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

16-модда. Аъзоликдан чиқариш тартиби

1. Ижроия кўмитаси ЎФА президенти ёки биринчи вице-президентининг тақдимномасига асосан қуйидаги ҳолларда аъзони ўз сафидан чиқариши мумкин, агар у:
 - а) мазкур устав билан белгиланган ЎФА аъзоларига оид мажбуриятларни бажармаса ёки лозим даражада бажара олмаса;
 - б) ЎФА ишчанлик муҳитига ва обрўсига путур етказадиган ёки моддий зарар етказадиган ҳаракатларни содир этганлиги учун;
 - в) аъзо Устави билан ЎФА Устави ўртасида жиддий қарама-қаршилик мавжуд бўлса ва у ЎФА талаби билан ҳам тўғриланмаса;
 - г) ФИФА, ОФК ва ЎФА Устави, регламенти, низомлари, тартиблари ва қарорларини кўпол ва/ёки такроран равишда бузса.
2. Ижроия кўмитасининг ҳар битта аъзоси Аъзони аъзоликдан чиқариш тўғрисидаги масала бўйича ўз фикрини билдиришга ҳақли.
3. Аъзоликдан чиқарилиши лозим бўлган шахс ёки орган ўзини ҳимоя қилиш ва позициясини баён этиш учун тушунтириш бериш ҳуқуқига эга.
4. Аъзони аъзоликдан чиқариш масаласида Ижроия кўмитаси ошқора овоз бериш йўли билан қарор қабул қилади. Ушбу масала бўйича қарор қабул қилиш учун мавжуд овозлар кўпчилик қисми (2/3) талаб қилинади.
5. Аъзоликдан чиқарилган Аъзо ёки орган, бундай қарор чиқарилган пайтдан бошлаб, дарҳол ўз ваколатларидан махрум этилади.

17-модда. ЎФАга аъзоликнинг тўхтатилиши (йўқотилиши)

1. ЎФАга аъзоликни тўхтатиш, ЎФА таркибидан ихтиёрий чиқиш ЎФА Ижроия кўмитаси ёки Ижроия кўмитаси бюросига аъзо томонидан бериладиган ёзма ариза асосида амалга оширилади. Мазкур масала бўйича ЎФАнинг Ижроия кўмита қарори қабул қилинади.
2. ЎФА аъзоси юридик шахс сифатида тугатилган ҳолатда ЎФАга аъзолик тўхтатилади. Мазкур масала бўйича ЎФАнинг тегишли бошқарув органи қарори қабул қилиниши талаб этилмайди. Аъзонинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари эса юридик шахснинг тугатилганлиги тўғрисида ягона давлат реестрида қайд этилган пайтдан бошлаб тўхтатилади.
3. Аъзо мазкур Уставга мувофиқ белгиланган тартибда ЎФА аъзолигидан чиқарилганда унинг аъзолик мақоми тугатилган ҳисобланади.

18-модда. Клублар, Ўзбекистон Профессионал футбол Лигаси, ҳудудий ассоциациялар ва бошқа ЎФА аъзоларининг мақоми

1. Клублар, Ўзбекистон Профессионал футбол Лигаси, ҳудудий ассоциациялар ва бошқа ЎФА аъзолари ЎФАга бўйсунуши ва у томонидан тан олинishi шарт. Мазкур Устав ЎФАнинг барча аъзолари учун футбол бўйича жавобгарлик чегараси, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди. Уларнинг Уставлари ва регламентлари ЎФА Ижроия кўмитаси томонидан маъқулланиши шарт.
2. ЎФА аъзолари ва уларнинг гуруҳлари уларнинг аъзолиги билан боғлиқ ҳар қандай масалалар бўйича исталган қарорларни, ташқи органлардан мустақил равишда қабул қилиши зарур. Ушбу вазият уларнинг ташкилий тузилмасидан қатъий назар амал қилади.
3. Футболда ҳалол рақобат принципини сўзсиз жорий этиш мақсадида ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳеч бир жисмоний ёки юридик шахс (холдинг компаниялар, шўъба компаниялар, ўзаро боғлиқ шахсларни ҳам инобатга олганда), агар бу ҳам алоҳида матч,

хам бирон-бир футбол бўйича турнирнинг яхлитлигига таҳдид солса, ЎФАнинг бир неча аъзоси устидан назоратни амалга ошира олмайди.

4. ЎФА аъзоси ҳисобланган ва унинг спорт бўйича мутлақ устунлигини тан олувчи клублар, клублар тузадиган бошқа бир жамоат бирлашмаси бошқа чет давлат футбол миллий федерациялари (ассоциациялари) таркибига кириши, ЎФА розилигисиз бошқа чет давлат футбол миллий федерациялари (ассоциациялари) ҳудудларида улар ташкил этадиган футбол мусобақаларида иштирок этишлари тақиқланади (ФИФА рухсат берган фавқулодда ҳолатлардан ташқари).

III. ХУДУДИЙ БЎЛИНМАЛАР. ФАХРИЙ ПРЕЗИДЕНТ ВА ФАХРИЙ АЪЗОЛАР

19-модда. Худудий бўлинмалар

1. ЎФА тузилмасига унинг худудий бўлинмалари ҳам киради.

Бўлинмаларни ташкил қилиш, қайта ташкил қилиш ва тугатиш амалдаги қонун ҳужжатларига ва ЎФА Ижроия қўмитаси қарорига асосан амалга оширилади.

Юридик шахс мақомига эга бўлган бўлинмалар худудий адлия органларида давлат рўйхатидан ўтказилиши, юридик шахс мақомига эга бўлмаган бўлинмалар эса худудий адлия органларида ҳисобга қўйилиши лозим.

2. Бўлинмалар қонун ҳужжатларига мувофиқ мол-мулкка эга бўлиши ва тегишли худудда қонун ҳужжатларига мувофиқ ЎФАнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш ва бошқа ҳуқуқларга эга бўлади.

Бўлинмалар қонун ҳужжатларига риоя қилиш, ЎФА раҳбар органлари қарор ва буйруқларини бажариш ва бошқа мажбуриятга эга Бўлинмаларни ташкил қилиш, қайта ташкил қилиш ва тугатиш тартиби, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мол-мулкни бошқариш борасидаги ҳуқуқлари, уларнинг раҳбар органлари бўйича батафсил қоидалар бўлинмалар Низомида белгиланади.

20-модда. Фахрий президент ва Фахрий аъзо

1. Конгресс футбол соҳасидаги юксак хизматлари учун ЎФА (ЎФФ)нинг собиқ Президентига ёки исталган шахсга Фахрий президент ва Фахрий аъзо унвонини бериши мумкин.

2. Ижроия қўмитаси номзодларни илгари суриши керак.

3. Фахрий президент ва Фахрий аъзо Конгрессда иштирок этиши, мунозараларда қатнашиши мумкин, бироқ овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

IV. ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШ

21-модда. ЎФАнинг раҳбар ва назорат органлари

1. Конгресс ЎФА олий раҳбар органи ҳисобланади.

2. Ижроия қўмитаси ижро этувчи раҳбар орган ҳисобланади.

3. Доимий ва вақтинчалик қўмиталар Ижроия қўмитасига унинг мажбуриятларини бажаришда қўмак ва маслаҳат ёрдами бериши лозим. Уларнинг мажбуриятлари, таркиби ва функциялари мазкур Устав ва ёки Ижроия қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган алоҳида регламентлар билан белгиланади.

4. Тартиб-интизом Қўмита, Этика қўмитаси ва Апелляция Қўмитаси Аъзолар учун ЎФАнинг ҳуқуқий таъсир доирасини белгиловчи, Уставга мувофиқ ЎФА тасдиқлайдиган бошқа қоидалар, регламентлар ва низомлар ижроси масалалари бўйича юзага келувчи муаммоларни ҳал этувчи органлар ҳисобланади.

5. ЎФА органлари ЎФАнинг ўзи томонидан, ҳеч қандай ташқи таъсир ва босимларсиз ҳамда мазкур Уставда белгиланган тартибларга мувофиқ сайланиши ёки тайинланиши лозим.

А. Конгресс

22-модда. Конгресс ва унинг таркибий мақоми

1. Конгресс ЎФАнинг барча аъзолари доимий равишда тўпланадиган йиғилиш ҳисобланади. У ЎФАнинг олий бошқарув органи мақомини ифода этади. Фақат доимий йиғиладиган Конгресс қарорлар қабул қилиш ваколатига эга.

2. Конгресс навбатдаги ва навбатдан ташқари бўлиши мумкин. Конгресс бевосита Конгресс иштирокчиларининг шахсан иштироки билан, телеконференция, видеоконференция орқали ёки алоқанинг бошқа воситалари ёрдамида ўтказилиши мумкин.

3. ЎФА президенти Конгрессни уни юритишнинг доимий тартибига мувофиқ олиб бориши лозим.

4. Конгресс кузатувчиларни тайинлаши мумкин, улар Конгрессда баҳс-мунозара юритиш ёки овоз бериш ҳуқуқисиз иштирок этадилар.

5. Фахрий президентлар ёки фахрий аъзолар Конгрессда иштирок этишлари, мунозараларда иштирок этишлари мумкин, бироқ овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

23-модда. Конгрессга делегатлар ва уларнинг сайланиш тартиби

1. Конгресс камида 70 делегатдан иборат. Делегатларнинг умумий сони қуйидагича тақсимланади:

- а) ҳар битта ҳудудий ассоциациядан - 2 делегат;
- б) Ўзбекистон Профессинал футбол Лигасидан - 1 делегат;
- в) ҳар битта клубдан – 1 делегат;
- г) Ўзбекистон футбол фахрийлари кенгашидан - 1 делегат;
- д) Республика футбол бўйича олий спорт маҳорати мактабидан - 1 делегат;
- е) Республика ва ҳудудий болалар-ўсмирлар футбол академияларидан - 1 делегат;
- ё) Футбол ишқибозлари клубидан - 1 делегат;
- ж) футболчилар гуруҳларидан - 1 делегат;
- з) ҳакамлар гуруҳларидан - 1 делегат;
- и) мураббийлар гуруҳларидан - 1 делегат.

2. Делегатлар улар ифода этаётган аъзога тегишли бўлиши ва ушбу аъзонинг тегишли органи томонидан тайинланиши ёки сайланиши, шахсини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлиши лозим.

3. Барча делегатлар Конгрессда тенг овоз бериш ҳуқуқларига эга. Фақат Конгрессда иштирок этувчи делегатлар овоз бериш ҳуқуқига эга. Ишончнома ёки хат (шу жумладан, электрон почта орқали) бўйича овоз бериш ман этилади.

4. Ижроия кўмитаси аъзолари ва Бош котиб Конгрессда овоз бериш ҳуқуқисиз иштирок этиши лозим. Ижроия кўмитаси аъзолари улар ушбу вазифада ўз мажбуриятларини ижро этаётган даврда ЎФА Аъзоси номидан делегат сифатида тайинланиши мумкин эмас.

24-модда. Конгресснинг ваколатлари

1. Конгресс қуйидаги ваколатларга эга:

- а) Устав, Устав ижросини бошқарувчи Регламентлар ва Конгресснинг доимий ҳужжатларини қабул қилиш ва уларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш;
- б) сўнгги йиғилиш баённомаларини тасдиқлаш учун уч аъзони тайинлаш;
- в) Президент, Биринчи вице президент ва вице-президентлар ҳамда Ижроия кўмитаси аъзоларини сайлаш;
- г) ҳисоб комиссияси аъзоларини тайинлаш;
- д) молиявий ҳисоботларни тасдиқлаш;
- е) бюджетларни тасдиқлаш;
- ж) Президентнинг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш;
- з) Ижроия кўмитасининг таклифи бўйича мустақил аудиторларни тайинлаш;
- и) Ижроия кўмитасининг таклифи бўйича аъзолик бадалларини ўрнатиш;

- к) Ижроия қўмитаси номинациялари бўйича Фахрий президент ва Фахрий аъзо унвонини бериш бўйича қарорлар қабул қилиш;
- л) ЎФА органларидан бир аъзо ёки аъзолар гуруҳи мандатини чақириб олиш;
- м) ЎФАни тугатиш ва қайта ташкил этиш;
- н) Қонун ҳужжатлари ва мазкур Уставда кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

25-модда. Конгресс Кворуми

1. Конгресс томонидан қабул қилинадиган қарорлар улар овоз бериш ҳуқуқига аъзоларнинг мутлақ кўпчилиги (50 фоиз +1) иштирокида қабул қилинган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

2. Агар кворум йиғилмаса, Конгресс йиғилиши белгиланган жойда эртасига, худди шундай кун тартиби билан чақирилиши лозим.

3. Агар кун тартибидаги бандлардан бири ЎФА Уставига ўзгартириш киритиш, Президент ёки Вице-президентлар ёки Ижроия қўмитаси аъзоларини сайлаш, ЎФА органларидан бирининг бир ёки бир нечта аъзосини тарқатиб юбориш, ЎФА аъзосини чиқариш ёки ЎФАни тугатишни назарда тутмаса, иккинчи йиғилиш учун кворум талаб қилинмайди.

26-модда. Конгресс қарорлари

1. Агар Уставда бошқача ҳолат кўзда тутилган бўлмаса, овоз бериш натижаларини ҳақиқий деб тан олиш учун аъзоларнинг оддий кўпчилик овози етарли ҳисобланади. Оддий санаш йўли билан аниқланган ҳақиқий овозлар сонини кўпчилик белгилайди. Овозларни санашда бузилган ёки тўлдирилмаган бланкалар ҳисобга олинмайди.

2. Агар Конгрессда делегатлар шахсан иштирок этаётган бўлса, овоз бериш қўл ва/ёки мандат кўтариш йўли билан ёки электрон табло ёрдамида амалга оширилади. Агар қўл ва/ёки мандат кўтариш кимнингдир фойдасига соф кўпчиликни аниқлаш имконини бермаса, овоз бериш лавозимларни алифбо тартибида чақириб йўли билан ўтказилади.

3. Телеконференция, видеоконференция орқали ёки алоқанинг бошқа воситалари ёрдамида Конгрессда қатнашиш Конгрессда иштирок этиш ҳисобланади. Агар Конгрессда делегатлар телеконференция, видеоконференция орқали ёки алоқанинг бошқа воситалари ёрдамида қатнашаётган бўлса, унда уларга ушбу воситалар ёрдамида овоз беришга руҳсат этилади.

27-модда. Конгресс сайловлари

1. Сайловлар яширин ёки ошқора овоз бериш йўли билан ўтказилади.

2. Шахсни сайланган деб ҳисоблаш учун биринчи овоз беришда ҳақиқий ва рўйхатга олинган овозларнинг мутлақ кўпчилик (50 фоиз+1) сони талаб қилинади. Иккинчи ва бошқа ҳар қандай зарур овоз беришда рўйхатга олинган овозларнинг оддий кўпчилиги етарлидир.

3. Агар битта лавозимга иккитадан ортиқ номзод бўлса, биринчи овоз беришдан сўнг энг кўп овоз тўплаган икки номзод қолдирилади. Шундан сўнг иккинчи овоз беришда оддий кўпчилик қоидасига амал қилинади.

28-модда. Навбатдаги Конгресс

1. Конгресс ҳар йили бир марта ўтказилади.

2. Ижроия қўмитаси навбатдаги Конгрессни ўтказиш жойи ва вақтини белгилайди. Конгресс аъзолари камида 20 (йигирма) кун олдин ёзма равишда хабардор қилиниши лозим.

3. Расмий чақириб ёзма шаклда, Конгресс бошланиш санасидан камида **15 (ўн беш)** олдин амалга оширилади. Мазкур чақириб кун тартиби, Президентнинг ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи, молиявий ҳисобот, аудитор ҳисоботи, бошқа тегишли ҳужжатлардан иборат бўлиши зарур.

29-модда. Навбатдаги Конгресс кун тартибини шакллантириш

1. Бош котиб Ижроия қўмитаси ва Конгресс аъзоларининг таклифлари асосида кун тартибини тузади. Аъзо Конгрессга олиб чиқмоқчи бўлган ҳар қандай таклиф ёзма шаклда, қисқача тушунтириш хати билан, Конгресс бошланадиган санадан камида беш (5) кун олдин Ижроия Қўмитасига тақдим этилиши шарт.

2. Конгресс кун тартиби қуйидаги мажбурий бандларни ўз ичига олиши даркор:

- а) Конгресс ЎФА Уставига мувофиқ чақирилгани ва тузилгани тўғрисидаги баёнот;
- б) кун тартибини тасдиқлаш;
- в) Президент мурожаати;
- г) йиғилиш баённомасини текшириш учун Конгресс аъзоларини тайинлаш;
- д) ҳисоб комиссияси аъзоларини (сайловлар натижалари тўғрилигини текшириш бўйича) тайинлаш;
- е) бажарилган ишлар (жумладан ўтган Конгрессдан буён амалга оширилган фаолият) тўғрисидаги Президент ҳисоботи;
- ж) жамланган ва тафтиш қилинган бухгалтерия баланси, шунингдек даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиш;
- з) молиявий ҳисоботни тасдиқлаш;
- и) бюджетни тасдиқлаш;
- к) Уставга, Уставнинг қўлланиши ва Конгрессни юритиш жараёнини тартибга солувчи регламентларга ўзгартиришлар киритишга доир таклифлар бўйича овоз бериш (заруратга кўра);
- л) Конгресс ва Ижроия қўмитаси аъзолари томонидан тақдим этилган таклифларни муҳокама қилиш;
- м) Ижроия қўмитасининг таклифи бўйича мустақил аудиторларни тайинлаш (заруратга кўра);
- н) аъзолардан чиқариш ёки органни тарқатиб юбориш (заруратга кўра);
- о) Президент, Вице-президентлар ва Ижроия қўмитаси аъзоларини сайлаш;
- п) ЎФА аъзолари ёки Ижроия қўмитаси томонидан таклиф этилган ҳар қандай қўшимча саволлар.

3. Конгресс кун тартиби, агар Конгрессда иштирок этаётган ва овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган аъзоларнинг тўртдан уч (3/4) қисми бунга рози бўлса, ўзгартирилиши мумкин.

4. Конгресс кун тартибига киритилмаган ҳар қандай масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишга ҳақли эмас.

30-модда. Навбатдан ташқари Конгресс

1. Ижроия қўмитаси зарур ҳолларда навбатдан ташқари Конгрессни ўтказиши мумкин.

2. Ижроия қўмитаси, агар ЎФАнинг барча аъзолари бешдан бир қисми ёзма равишда талаб қилса, навбатдан ташқари Конгресс ўтказишни белгилаши лозим. Навбатдан ташқари Конгрессни ўтказиш тўғрисидаги илтимос унинг кун тартиби бандларини белгилаши лозим. Навбатдан ташқари Конгресс уни ўтказиш тўғрисидаги ёзма илтимоснома олинган пайтдан бошлаб **90 (тўқсон) кун** мобайнида ўтказилиши лозим. Агар навбатдан ташқари Конгресс чақирилмаса, унинг ўтказилишини талаб қилган аъзолари Конгрессни ўзлари чақиришлари мумкин. Аъзолар охириги чора сифатида мазкур масалада ФИФАдан ёрдам сўрашлари мумкин.

3. Аъзолар навбатдан ташқари Конгрессни ўтказиш жойи, санаси ва кун тартиби тўғрисида уни ўтказиш санасидан камида **14 (ўн тўрт) кун** олдин хабардор қилиниши лозим.

4. Навбатдан ташқари Конгресс Ижроия қўмитаси ташаббусига кўра чақирилган ҳолда кун тартибини у тузиши лозим. Навбатдан ташқари Конгресс аъзоларнинг илтимосига кўра чақирилган ҳолда кун тартибига ушбу аъзолар томонидан кўтариб чиқилган масалалар киритилиши лозим.

5. Навбатдан ташқари Конгресснинг кун тартиби ўзгартирилиши мумкин эмас.

31-модда. Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

1. Конгресс Уставга (зарур ҳолларда Уставни қўллаш бўйича Регламент ва Конгрессни юритишнинг доимий тартибига) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун масъул.

2. Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ҳар қандай таклифлар аъзолар ёки Ижроия қўмитаси томонидан ёзма шаклда қисқача тушунтиришлар билан Ижроия Қўмитасига тақдим этилади. Аъзо томонидан киритилган таклиф, уни камида битта (1) бошқа аъзо ёзма равишда қўллаб-қувватлаган тақдирдагина ҳақиқий ҳисобланади.

3. Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича овоз бериш ҳақиқий деб тан олиниши учун унда овоз бериш ҳуқуқига эга делегатларнинг мутлақ кўпчилиги (50 фоиз +1) иштирок этиши лозим.

4. Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклиф, унга овоз бериш ҳуқуқига эга делегатларнинг тўртдан уч (3/4) қисми рози бўлган тақдирдагина, қабул қилинади.

5. Уставни қўллаш бўйича Регламент ва Конгрессни юритишнинг доимий тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги ҳар қандай таклиф аъзолар ёки Ижроия қўмитаси томонидан ёзма шаклда қисқача тушунтиришлар билан Ижроия Қўмитасига тақдим этилиши лозим.

6. Уставни қўллаш бўйича Регламент ва Конгрессни юритишнинг доимий тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклиф, иштирок этувчилар ва овоз бериш ҳуқуқига эга делегатларнинг оддий кўпчилиги уни маъқуллаб овоз берган ҳолда қабул қилинган ҳисобланади.

32-модда. Конгресс баённомаси

1. Бош котиб Конгресс баённомасини юритиш учун жавобгар ҳисобланади. Баённома ушбу мақсад учун тайинланган делегатлар томонидан текширилади ва ЎФА Президенти ёки Биринчи вице-президенти томонидан тасдиқланади.

33-модда. Қарорларнинг кучга кириш санаси

1. Конгресс томонидан қабул қилинган қарорлар аъзолар учун, агар Конгресс қарорлар кучга киришининг бошқа санасини белгиламаса, Конгресс ёпилганидан сўнг дарҳол ўтгач кучга киради.

Б. Ижроия қўмитаси

34-модда. Ижроия қўмитаси таркиби

1. Ижроия қўмитаси 13 аъзодан иборат бўлиб қуйидагича таркибда шакллантирилади:

- а) Президент - 1;
- б) Биринчи Вице-президент - 1;
- в) Вице-президент - 2;
- г) расмий аъзолар - 9.

2. Президент, Биринчи вице-президент, Вице-президентлар ва Ижроия қўмитаси аъзолари Конгресс томонидан сайланади.

3. Президент, Биринчи вице-президент, Вице-президентлар ва Ижроия қўмитаси аъзоларининг ваколат муддати – тўрт йил. Улар навбатдаги муддатларга қайта сайланиши мумкин.

4. Ижроия қўмитаси аъзоларининг ёши 25 дан кам бўлмаслиги керак. Улар олдин футбол фаолияти билан шуғулланган ёки унга бевосита алоқадор бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилиши шарт.

5. Номзодлар тўғрисидаги маълумотлар ЎФА Ижроия Қўмитасига тақдим этилиши лозим. Номзодларнинг расмий рўйхати ЎФА аъзоларига Ижроия қўмитаси сайланадиган Конгресс кун тартиби билан бирга топширилиши даркор.

6. Агар Ижроия қўмитаси аъзосининг жойи вакант бўлиб қолаётган бўлса, Ижроия қўмитаси ушбу бўш ўринни навбатдаги Конгрессгача тўлдириши учун янги Ижроия

қўмитаси аъзосини ўз йиғилишида тасдиқлаши мумкин. Навбатдаги Конгрессда эса ушбу аъзони наватдаги муддатга сайланиши масаласи кўриб чиқилади.

35-модда. Ижроия қўмитаси йиғилиши

1. Ижроия қўмитаси йиғилиши бир йилда камида икки марта ўтказилиши лозим.

2. Президент Ижроия қўмитаси йиғилишини чақиради. Агар Ижроия қўмитаси аъзоларининг учдан икки (3/2) қисми Ижроия қўмитаси чақирилишини талаб қилса, Президент уни 21 кун ичида чақиритиши зарур.

3. Президент ёки биринчи вице-президенти кун тартибини тузади. Ижроия қўмитасининг ҳар бир аъзоси кун тартибига киритиш учун масалаларни таклиф қилишга ҳақли. Ижроия қўмитаси аъзолари ўзлари йиғилиш кун тартибига киритишни истаган бандларни Ижроия Қўмитасига йиғилиш бошланишидан камида 7 (етти) кун олдин тақдим этиши шарт. Кун тартиби Ижроия қўмитаси аъзоларига йиғилиш бошланишидан камида **3 (уч)** кун олдин тақдим этиши даркор.

4. Бош котиб Ижроия қўмитаси йиғилишларида маслаҳатчи сифатида иштирок этади.

5. Ижроия қўмитаси йиғилишлари ёпиқ тартибда ўтказилади. Бироқ Ижроия қўмитаси учинчи томонларни йиғилишда иштирок этиш учун таклиф қилиши мумкин. Бундай учинчи томонлар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди ва ўз фикрларини фақат Ижроия қўмитасининг рухсати билан ифодалашлари мумкин.

36-модда. Ижроия қўмитаси ваколатлари

1. Ижроия қўмитаси:

а) Конгресс ваколатлари соҳасига кирмайдиган ёки қонун ёки мазкур Уставга мувофиқ бошқа органларга берилмаган барча масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади;

б) ЎФАнинг наватдаги ва наватдан ташқари Конгресссини тайёрлаш ва чақиритиш бўйича таклиф тайёрлайди;

в) доимий қўмиталарнинг раис, раис ўринбосари ва аъзоларини тайинлайди;

г) ЎФА юрисдикция органларининг раис, раис ўринбосари ва аъзоларини тайинлайди;

д) исталган пайтда ва зарур ҳолларда муваққат қўмитани тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин;

е) доимий ва муваққат қўмиталарни ташкиллаштириш тўғрисида регламентлар тузади;

ё) ЎФА Президенти ёки Биринчи вице президентининг таклифи бўйича Бош котибни тайинлайди ва лавозимидан озод этади. Бош котиб лавозими бўйича барча қўмиталарнинг йиғилишларида иштирок этади;

ж) Конгрессга мустақил аудиторларни таклиф қилади;

з) ЎФА мусобақаларини ўтказиш жойи, санаси ва иштирокчи жамоалар сонини белгилайди;

и) терма жамоалар мураббийлари ва бошқа техник ходимларни тайинлайди;

й) ЎФА ички ташкилий тузилмаси бўйича регламентларни тасдиқлайди;

к) ЎФАнинг кўчмас мол-мулки тасдиқланган смета доирасида тасарруф этиш;

л) Устав ижроси ва уни қўллаш учун ижро чораларига мувофиқлигини таъминлайди;

м) Аъзони аъзоликдан чиқарилиши ёки органни тарқатиб юбориши ёки ЎФА аъзосини наватдаги Конгрессгача вақтинча четлаштириши мумкин.

37-модда. Ижроия қўмитаси қарорлари

1. Ижроия қўмитаси йиғилишларига ЎФА Президенти, у бўлмаган тақдирда ЎФА вице-президентларидан бири раислик қилиши мумкин.

2. Ижроия қўмитаси йиғилишда унинг аъзоларининг камида етти нафари иштирок этган ҳолдагина қарор қабул қилади. Овозлар сони тенг келган ҳолда, Ижроия қўмитаси йиғилиши раиси ҳал қилувчи овозга эга бўлади. Ишончнома ёки хат орқали овоз беришга йўл қўйилмайди.

3. Агар манфаатлар тўқнашуви хавфи ёки эҳтимоли мавжуд бўлса, Ижроия қўмитасининг исталган аъзоси муҳокама ва қарор қабул қилишдан четлаштирилиши лозим. Бу ҳолат баённомага киритилиши лозим.

4. Қабул қилинадиган қарорлар баённомада акс этирилиши керак. Ижроия қўмитаси йиғилиши баёни йиғилиш раиси ва котиби томонидан имзоланади.

5. Ижроия қўмитаси қарорлари йиғилиш раиси ва котиби томонидан имзолангандан сўнг дарҳол кучга киради.

38-модда. ЎФА органларини тарқатиб юборилиш тартиби

1. Конгресс ЎФА органини тарқатиб юборишга ҳақли. Ижроия қўмитасининг ҳар битта аъзоси органни тарқатиб юбориш тўғрисидаги масалани ЎФА Ижроия қўмитаси ёки Конгрессси кун тартибига киритиш учун таклиф қилиш ҳуқуқига эга.

2. ЎФА органини тарқатиб юбориш масаласи бўйича Конгресс ёки Ижроия қўмитаси ошқора овоз бериш йўли билан қарор қабул қилади. Ушбу масала бўйича қарор қабул қилиш учун мавжуд овозлар кўпчилик қисми (2/3) талаб қилинади.

3. ЎФА органини тарқатиб юбориш тўғрисидаги қарор, бундай қарор чиқарилган пайтдан бошлаб дарҳол кучга киради

В. Президент

39-модда. ЎФА президентининг мақоми

1. Президент мазкур Уставга мувофиқ белгиланган барча вазифаларни амалга оширишга ваколатли бўлган ЎФАнинг олий мансабдор шахси бўлиб, у нафақат Ўзбекистон Республикасида, балки ФИФА, ОФК ва МОФАда ҳам ЎФАнинг номидан иш кўради.

2. Президентнинг ваколатларига қуйидагилар киради:

а) Конгресс, Ижроия қўмитаси ва Ижроия қўмитаси бюроси томонидан қабул қилинган қарорларни имзолаш ва ижросини таъминлаш;

б) Ижроия Қўмитаси, Ижроия қўмитаси бюроси аъзолигига, доимий ва муваққат қўмиталар аъзолари, комиссия ва кенгашлар таркибларига, ЎФА юрисдикция органларига номзодлар киритиш, уларнинг ваколатини муддатидан олдин тўхтатиш бўйича таклифлар киритиш;

в) ЎФА барча органларининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш;

г) давлат, жамоат, халқаро ва бошқа ташкилотлар билан муносабатларда ЎФАнинг манфаатларини ишончномасиз ифодалаш, банкларда ҳисоб рақамлари ва бошқа рақамларни очиш, ишончномалар бериш;

д) штат жадвалини тасдиқлаш, меҳнат қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш, уларнинг лавозим мажбуриятлари ва ойлик маошларини белгилаш;

е) ЎФА фаолиятини маблағлар билан таъминлаш бўйича ишларни ташкиллаштириш;

ё) ЎФА тизимидаги ходимлар, хусусан Бош котиб фаолиятини назорат қилиш;

ж) мазкур Устав билан белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Бош котибга, ЎФА таркибий бўлинма ва бошқармаларининг раҳбарларига, ЎФАнинг исталган ходимига кўрсатма ва топшириқлар бериш;

з) ЎФА билан унинг аъзолари, ФИФА, ОФК, давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар орасидаги алоқаларни таъминлаш;

и) мазкур Устав билан белгиланган ваколатларга мувофиқ келувчи бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш.

3. Президент Конгрессда, Ижроия қўмитаси ва Ижроия қўмитасининг Бюросида ҳамда у раиси этиб тайинланган қўмиталарда раислик қилиши мумкин.

4. Президент Ижроия қўмитасининг йиғилишларида оддий овозга эга, овозлар тенг бўлган ҳолларда эса, у ҳал қилувчи овозга эга.

5. Агар Президент йиғилишда бўлмаса ёки унда қатнашиш имкониятига эга бўлмаса, унинг ваколатларини Биринчи вице-президент ифодалайди.

6. Агар Президент ўз вазифаларини вақтинча бажариш имкониятига эга бўлмаса, Биринчи вице-президент уни кейинги Конгрессгача ифодалаб туради. Ушбу Конгресс, агар зарур бўлса, янги Президентни сайлаши керак.

7. Президентнинг ҳар қандай қўшимча функционал мажбуриятлари ЎФА нинг ички локал ҳужжатларида кўрсатилиши керак.

8. Президент ўз ваколатларини амалга ошириш мақсадида буйруқлар ва фармойишлар чиқаради.

40-модда. ЎФА Биринчи вице-президентининг ҳуқуқ ва ваколатлари

1. Биринчи вице-президент ЎФА ни расмий равишда ифодалаш, ички ва халқаро тадбирларда унинг номидан иш кўриш ҳуқуқига эга.

2. Биринчи вице-президентнинг ваколатларига қуйидагилар киради:

а) Ижроия қўмитаси бюроси ёрдамида Конгресс ёки Ижроия қўмитаси томонидан қабул қилинган қарорларни Президент бўлмаган тақдирда ва ваколат берилган ҳолларда имзолаш ва амалга ошириш;

б) мазкур Устав билан таъсис этиладиган доимий ва муваққат қўмиталар аъзолари, комиссия ва кенгашлар таркибларига, ЎФА юрисдикция органларига номзодлар киритиш, уларнинг ваколатини муддатидан олдин тўхтатиш бўйича таклифлар киритиш;

в) ЎФА барча органларининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш;

г) давлат, жамоат ва бошқа ташкилотлар билан муносабатларда ЎФАнинг манфаатларини ишончномасиз ифодалаш, хўжалик юритувчи субъектлар билан шартномалар тузиш, банк ва бошқа кредит муассасалари билан тўғридан-тўғри муносабатларга киришиш, ишончномалар бериш;

д) ЎФА тизимидаги ходимлар, хусусан ваколатига оид масалалар бўйича Бош котиб фаолиятини назорат қилиш;

е) мазкур Устав билан белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ЎФА таркибий бўлинма ва бошқармаларининг раҳбарларига, ЎФАнинг исталган ходимиغا кўрсатма ва топшириқлар бериш;

ж) ЎФА фаолиятини ҳомийлик маблағлари жалб этилиши бўйича ишларни ташкиллаштириш;

з) ЎФАнинг мол-мулки ва пул маблағларини тасдиқланган смета доирасида тасарруф этиш;

и) ЎФА билан унинг аъзолари, ФИФА, ОФК, давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар орасидаги алоқаларни таъминлаш;

й) штат жадвалини тасдиқлаш, меҳнат қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш, уларнинг лавозим мажбуриятлари ва ойлик маошларини белгилаш;

к) навбатдаги ва навбатдан ташқари Конгрессларга тайёргарлик кўриш ва уни ташкиллаштириш;

л) ЎФА таркибий тузилмасини ва штат жадвалини тасдиқлаш ва унга ўзгартириш киритиш;

м) Вазирлик ва идоралар ҳамда давлат ва жамоат органлари томонидан келишувга киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини келшиш (виза қўйиш) ва имзолаш;

н) ЎФАнинг харажатлар сметасини тасдиқлайди ҳамда харажатлар сметасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритади;

о) ЎФАнинг кўчар мол-мулки ва пул маблағларини тасдиқланган смета доирасида тасарруф этиш;

п) мазкур Устав билан белгиланган ўзининг ваколатларига мувофиқ келувчи бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш.

3. Биринчи вице-президент Ижроия қўмитаси ва Ижроия қўмитасининг Бюросида ҳамда у раиси этиб тайинланган қўмиталарда раислик қилиши мумкин.

4. Биринчи вице-президент Ижроия қўмитасининг йиғилишларида ҳал қилувчи овозга эга.

5. Агар Биринчи вице-президент йиғилишда бўлмаса ёки унда қатнашиш имкониятига эга бўлмаса, унинг ваколатларини бошқалардан кўра узокроқ муддатдан бери ишлаб келаётган вице-президент (ёки Ижроия қўмитаси қарори билан аниқланадиган) ифодалайди.

6. Биринчи вице-президентнинг ҳар қандай қўшимча функционал мажбуриятлари ЎФА нинг ички локал ҳужжатларида кўрсатилиши керак.

7. Биринчи вице-президент ўзига берилган ваколат доирасида ўзига юклатилган вазифаларнинг ижросини амалга ошириш мақсадида буйруқлар қабул қилиш ҳуқуқига эга.

9. Биринчи вице-президент ЎФАга аъзолар ва барча ходимлар бажариши мажбурий бўлган қарорлар ва буйруқлар чиқаради.

10. Биринчи вице-президент Конгресс ва Ижроия қўмитаси ваколатларига кирмаган қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ваколатларни амалга оширади.

41-модда. ЎФА президенти лавозимига номзодлар ва уларга қўйиладиган талаблар

1. Президент Конгресс томонидан 4 (тўрт) йил муддатга сайланиши лозим. Унинг ваколат муддати, уни сайлаган Конгресс тугаганидан кейин бошланади ва кейинги Конгрессга оид сайловлар ўтказилгандан сўнг тугаган ҳисобланади. Президент кейинги муддатга қайта сайланиши мумкин.

2. Президент лавозимига номзодлар фақат ЎФА аъзолари томонидан киритилиши, бу номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаган бўлиши керак.

3. Аъзолар Ижроия қўмитасига, ЎФА Президенти лавозимига номзодлар тўғрисида ёзма шаклда, Конгресс бошланишидан энг камида 14 (ўн тўрт) кун олдин таклиф беришлари мумкин.

4. Бош котиб Аъзоларга, таклиф қилинган аъзолар ҳақидаги маълумотларни Конгресс бошланишидан камида 5 (беш) кун олдин электрон тарзда ёки факсимиле шаклида хабар беришлари шарт.

42-модда. Вакиллик ва имзо

1. Президент (у бўлмаган ва ваколат берилган ҳолларда Биринчи вице-президент) ЎФАни расмий равишда ифодалайди ва ЎФА номидан имзолаш ҳуқуқига эга. Ижроия қўмитаси расмий шахсларнинг биргаликдаги имзосига доир, жумладан, Президент йўқлиги пайтида ва ЎФА учун барча муҳим масалаларида ички ташкилий регламентни белгилаши мумкин.

Г. ЎФА Ижроия қўмитасининг бюроси

43-модда. Ижроия қўмитасининг бюроси

1. Ижроия қўмитаси бюросига Ижроия қўмитасининг йиғилишлари орасидаги даврда, кечиктириб бўлмайдиган қарорлар қабул қилишни талаб қиладиган Ижроия қўмитаси ваколоти доирасидаги барча масалаларни ҳал қилиш вазифаси юклатилади. Бюро ЎФАнинг Президенти, Биринчи вице-президенти, вице-президентлари ҳамда Ижроия қўмитаси томонидан 4 (тўрт) йил муддатга тайинланадиган, Ижроия қўмитаси аъзолари таркибидан бўлган иккита аъзодан ташкил топади.

2. Ижроия қўмитаси бюросининг йиғилишлари Президент ва Биринчи вице-президент томонидан чақиртирилади. Бюро йиғилишига Президент, Биринчи вице-президент ёки вице-президентлардан бири раислик қилади. Агар йиғилишларни зарур вақт давомида чақиртиришнинг имкони бўлмаса, қарорлар алоқанинг турли воситалари (мисол учун, электрон почта) ёрдамида, сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин. Бюро томонидан қабул қилинган қарорлар йиғилиш раиси ва котиби томонидан имзоланади. Бундай қарорлар дарҳол кучга киради. Президент кечиктирмасдан Ижроия қўмитасини Ижроия қўмитаси бюроси томонидан қабул қилинган қарорлар тўғрисида хабардор қилиши зарур.

3. Ижроия қўмитаси бюроси томонидан қабул қилинган барча қарорлар Ижроия қўмитаси томонидан кейинги йиғилишда маъқулланган бўлиши шарт.

4. Агар Президент Бюрода иштирок этиш имкониятига эга бўлмаса, унинг вазифасини вақтинча Биринчи вице-президент бажаради.

Д. Доимий қўмиталар ва кенгашлар

44-модда. Доимий қўмиталар ва кенгашлар

1. ЎФА нинг Доимий қўмиталари ва кенгашлари қуйидагилардир:

- а) Молиявий қўмита;
- б) Ички аудит қўмитаси;
- в) Мусобақаларни ўтказиш бўйича ташкилий қўмитаси;
- г) Техник қўмита;
- д) Ҳакамлик-инспекторлик қўмитаси;
- е) Юридик қўмита.
- ё) Болалар ва ўсмирлар футбол қўмитаси;
- ж) Аёллар футбол қўмитаси;
- з) Футзал ва пляж футбол қўмитаси;
- и) Спорт тиббиёти қўмитаси;
- й) Футболчиларнинг мақоми ва ўтиши бўйича қўмита;
- к) Оммавий ахборот воситалари бўйича қўмита;
- л) Мураббийлар Кенгаши;

2. Ижроия қўмитаси аъзолари доимий қўмиталарнинг раислари ва раис ўринбосарлари сифатида мазкур қўмиталарга киришлари мумкин, Ички аудит бўйича қўмита бундан мустасно. Барча доимий қўмиталарнинг аъзолари ЎФА аъзолари ва ЎФА Президентининг таклифлари бўйича Ижроия қўмитаси томонидан тайинланадилар. Доимий қўмиталарнинг раислари, раис ўринбосарлари ва аъзолари 4 (тўрт) йил муддатга тайинланадилар.

3. Ҳар бир раис ўз қўмитасини ифодалаш ва унинг ишларини Ижроия қўмитаси томонидан тузилган, ташкилий регламентларга мувофиқ юритишлари керак.

4. Ҳар бир раис ўз қўмитаси йиғилишларининг вақтини, уни Бош котиб билан дастлабки тарзда мувофиқлаштириб ҳамда барча масалалар келишилганига ва уларнинг қарорлари кейинчалик Ижроия қўмитасига хабар берилганига ишонч ҳосил қилиб, тайинлайдилар.

5. Ҳар бир қўмита Ижроия қўмитасининг муҳокамасига, ўз регламентига ўзгартиришларни таклиф қилиши мумкин.

6. Ҳар бир қўмита йиғилишлари аъзоларнинг шахсан иштироки билан, телеконференция, видеоконференция орқали ёки алоқанинг бошқа воситалари ёрдамида ўтказилиши ҳам мумкин.

45-модда. Молиявий қўмита

1. Молиявий қўмита ЎФА молиясининг бошқарилишини кузатади ва Ижроия қўмитасига молиявий масалалар ва активларни бошқариш бўйича тавсиялар беради. У ЎФА бюджетини ва Бош котиб тақдим қиладиган молиявий ҳисоботларини таҳлил қилиши ҳамда уларни Ижроия қўмитасига тасдиқлаш учун топшириши лозим. У 3-7 кишидан иборат таркибда, раис, раис ўринбосари ва унинг аъзоларидан иборат бўлиши зарур.

46-модда. Ички аудит бўйича қўмита

1. ЎФА нинг Ички аудит бўйича қўмитаси Конгресс томонидан ЎФА аъзолари таркибидан, Конгрессда белгиланган миқдорда, 4 йил муддатга сайланади.

2. ЎФА нинг Ички аудит бўйича қўмитаси, агар унинг йиғилишида аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этса, қарорлар қабул қилишга ҳақлидир. Қарор иштирок этувчиларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

3. ЎФА нинг Ички аудит бўйича қўмитаси ЎФА нинг молиявий-хўжалик фаолиятини, моддий бойликларининг ҳолати ва ҳисобини назорат қилади.

4. Ички аудит бўйича қўмита аъзоси ЎФА нинг бошқа сайланадиган органлари таркибига кириши мумкин эмас.

47-модда. Мусобақаларни ўтказиш бўйича Ташкилий қўмита

1. Мусобақаларни ўтказиш бўйича Ташкилий қўмита ЎФА нинг мусобақаларини ташкил қилиш ва ўтказиш билан, мазкур Устав ва мусобақалар ўтказилишига қўлланиладиган, ЎФА нинг регламентларига мувофиқ шуғулланиши зарур. У 3-9 кишидан иборат таркибда, раис, раис ўринбосари ва унинг аъзоларидан иборат бўлиши зарур.

48-модда. Техник қўмита

1. ЎФА нинг Техник қўмитаси, биринчи навбатда, футболчилар тайёргарлигининг асосий томонлари ва техник ривожланишининг таҳлили билан шуғулланиши шарт. У 3-9 кишидан иборат таркибда, раис, раис ўринбосари ва унинг аъзоларидан иборат бўлиши зарур.

49-модда. Ҳакамлик-инспекторлик қўмитаси

1. ЎФА нинг ҳакамлик-инспекторлик қўмитаси футбол ўйнаш Қоидаларига амал қилинишини кузатади. У ЎФА нинг мусобақа баҳсларига хизмат кўрсатиш учун ҳакамлар ва инспекторларни тайинлайди, ЎФА маъмурияти билан келишган ҳолда ЎФА да ҳакамлик билан боғлиқ барча масалалар билан шуғулланади ҳамда ҳакамларнинг таълими ва тайёргарлигини кузатади. У 3-9 кишидан иборат таркибда, раис, раис ўринбосари ва унинг аъзоларидан иборат бўлиши зарур.

2. Шунингдек, Ўзбекистонда VAR (Video Assistant Referee, видео ёрдамчи ҳакам) тизимини жорий этиш ва мазкур тизим билан ишловчи VAR ҳакамларини ўйинларга тайинлаш ва уларнинг ҳаракатларини назорат қилиш билан шуғулланади.

50-модда. Юридик қўмита

1. Юридик қўмита футбол билан ва ЎФАнинг норматив-ҳуқуқий базаси ва аъзоларининг ўзгариши билан боғлиқ барча асосий ҳуқуқий масалаларни таҳлил қилиши шарт. У 3-9 кишидан иборат таркибда, раис, раис ўринбосари ва унинг аъзоларидан иборат бўлиши зарур.

51-модда. Болалар ва ўсмирлар футболи қўмита

1. Болалар ва ўсмирлар футболи қўмитаси ёш футболчилар орасида мусобақаларни ташкил қилади ва мазкур соҳа тараққиёти билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қилади. У 3-9 кишидан иборат таркибда, раис, раис ўринбосари ва унинг аъзоларидан иборат бўлиши зарур.

52-модда. Аёллар футболи қўмитаси

1. Аёллар футболи қўмитаси аёллар орасида мусобақаларни ташкил қилади ва мазкур соҳа тараққиёти билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қилади. У 3-9 кишидан иборат таркибда, раис, раис ўринбосари ва унинг аъзоларидан иборат бўлиши зарур.

53-модда. Футзал ва пляж футболи қўмитаси

1. Футзал ва пляж футболи қўмитаси футзал ва пляж футболи бўйича мусобақаларни ташкил қилади ва мазкур соҳа тараққиёти билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қилади. У 3-9 кишидан иборат таркибда, раис, раис ўринбосари ва унинг аъзоларидан иборат бўлиши зарур.

54-модда. Спорт тиббиёти қўмитаси

1. Спорт тиббиёти қўмитаси футболнинг барча тиббий масалалари билан шуғулланади. У 3-9 кишидан иборат таркибда, раис, раис ўринбосари ва унинг аъзоларидан иборат бўлиши зарур.

2. Мазкур қўмита Допинг масалалари билан шуғулланувчи ЎФАнинг ваколатли қўмитаси ҳисобланади. Қўмита допинг масалаларини ФИФАнинг “Антидопинг қоидалари”га мувофиқ кўриб чиқади. Агар миллий анти-допинг қоидалари ва ФИФАнинг “Антидопинг қоидалари”да белгиланган нормалар ўртасида номувофиқлик вужудга келса, ФИФАнинг “Антидопинг қоидалари”да белгиланган нормалар қўлланилади.

55-модда. Футболчиларнинг мақоми ва ўтиши бўйича қўмита

1. Футболчиларнинг мақоми ва ўтиши бўйича қўмита, футболчиларни клублардан клубларга ўтказиш қоидаларини белгилашлари ва уларнинг бузилишларини ФИФА Регламенти асосида, футболчиларнинг мақоми ва ўтиши бўйича кузатишлари ҳамда ЎФАнинг турли мусобақаларида иштирок этувчи футболчиларнинг мақомини аниқлашлари шарт. Ижроия қўмитаси, мазкур қўмитанинг ваколатлари ва юрисдикциясини белгиловчи алоҳида регламентларини тузишлари мумкин. У 3-9 кишидан иборат таркибда, раис, раис ўринбосари ва унинг аъзоларидан иборат бўлиши зарур.

2. ЎФА, унинг аъзолари, футболчилар, расмий шахслар баҳслар (матчлар) ва футболчилар бўйича воситачиларга тааллуқли футболчиларнинг мақоми масалалари бўйича мунозаралар, мазкур Уставга мувофиқ, ЎФАнинг юрисдикция органлари томонидан муҳокама қилиниши даркор.

56-модда. Оммавий ахборот воситалари бўйича қўмита

1. Оммавий ахборот воситалари бўйича қўмита мусобақалар ва ЎФА томонидан ўтказиладиган бошқа тадбирларда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ишлаш шартлари ҳамда мамлакат ичида ва чет элда медиа-тузилмалар билан алоқаларни олиб бориш ва ривожлантириш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қилади. У 3-9 кишидан иборат таркибда, раис, раис ўринбосари ва унинг аъзоларидан иборат бўлиши зарур.

57-модда. Мураббийлар кенгаши

1. Болалар ва ўсмирлар футболи, Професионал футбол лигаси аъзолари, ЎФА тасарруфидаги терма жамоаларнинг доимий фаолияти ва тараққиёти учун режаларни ишлаб чиқиш, мавжуд муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилиш учун мураббийларнинг аҳамиятини янада ошириш Мураббийлар кенгашининг асосий вазифаси ҳисобланади. У 3-9 кишидан иборат таркибда, раис, раис ўринбосари ва унинг аъзоларидан иборат бўлиши зарур.

58-модда. Муваққат қўмиталар

1. Ижроия қўмитаси зарурият туғилганда, муайян муддатга алоҳида ваколатларга эга бўлган муваққат қўмиталарни ташкил қилиши мумкин. Ижроия қўмитаси ушбу қўмиталар раиси ва раис ўринбосарларини ҳамда унинг аъзоларини тайинлайди.

Ж. Бош котибият

59-модда. Бош котибият

1. Бош котибият ЎФАнинг бутун маъмурий ишларини Бош котиб бошчилигида амалга оширади. Бош котибият аъзолари ўз ишларида ЎФАнинг ички ташкилий регламентга амал қиладилар ва ўзларининг мажбуриятларини аъло даражада бажаришга мажбурлар.

60-модда. Бош котиб

1. Бош котиб Бош котибиятнинг ижрой раҳбари ҳисобланади.

2. У фуқаролик ва меҳнат ҳуқуқларининг меъёрларига мувофиқ тузилган шартномага асосан тайинланади ва зарур бўлган касбий малакага эга бўлиши шарт.

3. У қуйидагилар учун жавоб беради:

а) Президент фармойишларига мувофиқ Конгресс ва Ижроия қўмитаси томонидан қабул қилинган қарорларни амалга ошириш;

б) Конгресс ва Ижроия қўмитасининг, Ижроия қўмитаси бюросининг йиғилишлари ҳамда доимий ва муваққат қўмиталарининг йиғилишларида иштирок этиш;

в) Конгресс ва Ижроия қўмитаси ва бошқа органлар йиғилишларини ташкил қилиш

г) Конгресс ва Ижроия қўмитасининг, Ижроия қўмитаси бюросининг ҳамда доимий ва муваққат қўмиталарининг йиғилишлари баённомаларини тузиш;

д) ЎФА молиявий ҳисобларини бошқариш ва бухгалтерлик ҳисобдорлигини имзолаш ҳуқуқи билан юритиш;

е) шартнома ва қўшимча шартномаларни тузиш ва имзолаш;

ё) ЎФА нинг ёзишмаларини юритиш;

ж) аъзолар, Қўмиталар, ФИФА ва ОФК билан алоқа қилиш;

з) Бош котибият ишини ташкил қилиш;

и) Бош котибият ходимларини тайинлаш ва ишдан бўшатиш;

й) раҳбарлик даражасидаги ходимларнинг Президент ёки биринчи вице-президент тасдиғига таклиф қилиш;

к) ЎФА нинг муҳрини сақлаш.

4. Бош котиб Конгресс делегати ёки ЎФА нинг исталган органи аъзоси бўлмаслиги керак.

3. Юрисдикция органлари

61-модда. Юрисдикция органлари

1. ЎФАнинг футбол бўйича қоидалар назоратини ва низоларни кўриб чиқувчи органлар (кейинги ўринларда - юрисдикция органлари деб аталади) қуйидагилардир:

а) Тартиб-интизом қўмитаси;

б) Этика қўмитаси;

в) Апелляция қўмитаси;

д) Низоларни ҳал қилиш палатаси.

2. Ушбу органларнинг вазифалари ва мажбуриятлари, ФИФА Тартиб-интизом кодексига мувофиқ бўлган, ЎФАнинг Тартиб-интизом кодекси, Этика кодекси, Футболчиларнинг мақоми ва ўтиши бўйича регламенти ҳамда ЎФА Ижроия Қўмитаси ва/ёки ЎФА Ижроия Қўмитаси бюроси томонидан қабул қилинган тегишли низомларга мувофиқ билан белгиланиши даркор.

3. Юрисдикция органларининг ваколатлари ЎФА нинг бошқа органлари ваколатларини, уларнинг қарорлар қабул қилиш соҳасини чекламайдилар.

4. Юрисдикция органларининг аъзолари бир вақтнинг ўзида ЎФА нинг бошқа органлари аъзолари бўлиши мумкин эмас.

5. Юрисдикция органларининг йиғилишлари аъзоларнинг шахсан иштироки билан, телеконференция, видеоконференция орқали ёки алоқанинг бошқа воситалари ёрдамида ўтказилиши ҳам мумкин. Юрисдикция органларининг йиғилиши баёни ва қарорлари мазкур органларнинг раиси ва котиби томонидан имзоланади.

6. Мазкур органларни тузиш, аъзоларни тайинлаш ва уларнинг асосий фаолиятини тартибга солувчи регламентларни қабул қилиш ЎФА Ижроия Қўмитаси ва/ёки ЎФА Ижроия Қўмитаси бюроси томонидан амалга оширилади.

7. Мазкур органлар томонидан қабул қилинган қарорлар расман эълон қилингандан сўнг ва/ёки тегишли шахслар огоҳлантирилгандан сўнг кучга киради.

62-модда. Тартиб-интизом қўмитаси

1. Тартиб-интизом қўмитаси раис, раис ўринбосари ва аъзоларининг керакли миқдоридан иборат бўлади.

2. Ушбу органнинг вазифалари ЎФА нинг Тартиб-интизом кодекси билан белгилаб берилади. Қўмита энг камида учта аъзо мавжудлигида қарор қабул қилиши мумкин.

3. Қўмита мазкур Уставда ва ЎФА нинг Тартиб-интизом кодексида баён этилган футбол бўйича санкцияларни, аъзолар, расмий шахслар, футболчилар, клублар ва воситачиларга нисбатан қўллаши мумкин.

4. ЎФА аъзосини вақтинча четлаштириш ва чиқариш ҳақида қарор масаласида унинг қарорлари Конгресс ва Ижроия қўмитаси томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

63-модда. Этика қўмитаси

1. Этика қўмитасининг вазифаси ЎФАнинг Этика кодекси билан белгиланади. Этика қўмитаси камида 3 нафар аъзо ҳозир бўлганда қарор чиқара олади. Этика кодексида белгиланган махсус ҳолларда Қўмита раиси уни ёлғиз бошқариши мумкин.

2. Этика қўмитаси ЎФАнинг Интизом ва Этика кодексларида, мазкур Уставда назарда тутилган санкцияларни расмий шахслар, футболчилар, клублар ҳамда матч агентларга ва футбол воситачиларига (агентлар) нисбатан қўллаши мумкин.

3. Ижроия қўмитаси ФИФАнинг амалдаги Этика кодексида кўрсатиб ўтилган принципларга мувофиқ ҳолда ЎФАнинг Этика кодексини ишлаб чиқади.

4. Этика қўмитаси чиқарган қарорлар устидан Апелляция қўмитасига шикоят келтирилиши мумкин.

64-модда. Апелляция қўмитаси

1. Апелляция қўмитаси раис, раис ўринбосари ва аъзоларининг керакли миқдоридан иборат бўлади.

2. Ушбу органнинг вазифалари ЎФА нинг Тартиб-интизом кодекси билан бошқарилади. Қўмита фақат 3 нафар аъзоси мавжудлигида қарор қабул қилиши мумкин. Алоҳида ҳолларда, раис ЎФАнинг Тартиб-интизом кодексига мувофиқ мустақил ҳал қилиши мумкин.

3. Апелляция қўмитаси, ҳали охиригача эътироф этилмаган ҳолда, Тартиб-интизом қўмитанинг қарорлари бўйича апелляцияларни муҳокама қилишлар учун жавоб беради.

65-модда. Тартиб-интизом чоралар

1. Асосий Тартиб-интизом чоралар қуйидагилар ҳисобланади:

1.1. Ассоциацияга аъзо жисмоний ва юридик шахслар учун:

а) огоҳлантириш;

б) ҳайфсан

в) жарима;

г) қўлга киритилган мукофот ва медаллардан маҳрум қилиш.

1.2. Ассоциацияга аъзо жисмоний шахслар учун:

а) огоҳлантириш;

б) аъзоликдан чиқариш/четлатиш;

в) матчда иштирок этишдан дисквалификация қилиш;

г) кийим алмаштириш хонасида ва захира ўриндиғида бўлишни таъқиқлаш;

д) стадионга киришга таъқиқ қўйиш;

е) футбол билан боғлиқ бўлган ҳар қандай фаолият билан шуғулланишга муайян ёки номуайян муддатга таъқиқ қўйиш.

1.3. Ассоциацияга аъзо юридик шахслар учун:

а) футболчилар трансферига таъқиқ қўйиш;

б) баҳсни томошабинларсиз ўтказиш;

в) матчни бетараф (нейтрал) майдонда ўтказиш;

г) муайян стадионда матчлар ўтказилишини таъқиқлаш;

д) матч натижасини бекор қилиш;

е) аъзоликдан чиқариш;

ё) ҳисобига мағлубият ёзиш;

ж) очко (очколар) олиб ташлаш;

з) даражаси бўйича куйи лигага ўтказиш;

и) матчни қайтадан ўйнаш.

2. Ижроия қўмитаси Интизом кодексини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

66-модда. Низоларни ҳал қилиш палатаси

1. Низоларни ҳал қилиш палатасининг вазифаси ЎФАнинг Футболчиларнинг мақоми ва ўтиши бўйича регламенти билан белгиланади. Низоларни ҳал қилиш палатаси камида 3 нафар аъзо ҳозир бўлганда қарор чиқара олади. Футболчиларнинг мақоми ва ўтиши бўйича регламентида белгиланган махсус ҳолларда Палата ҳақами томонидан ҳам қарорлар қабул қилиниши мумкин.

2. Низоларни ҳал қилиш палатаси ЎФАнинг Тартиб-интизом ва Этика кодексларида, Футболчиларнинг мақоми ва ўтиши бўйича регламентида, мазкур Уставда назарда тутилган санкцияларни расмий шахслар, футболчилар, футбол клублари, воситачилар(агентлар) ҳамда футбол соҳасининг бошқа субъектларига нисбатан қўллаши мумкин.

3. Низоларни ҳал қилиш палатаси чиқарган қарорлар устидан Апелляция қўмитасига шикоят келтирилиши мумкин.

67-модда. Ҳуқуқий ваколат доираси

1. ЎФА билан унинг аъзолари, футболчилар, расмий шахслар ва воситачилар ўртасидаги футболга оид барча низоли масалаларни давлат судларида муҳокама қилмасликлари даркор, агарда мазкур Устав ёки ФИФА Уставида бошқача ҳолатлар назарда тутилмаган бўлса. Ҳар қандай низоли масалалар ФИФА, ОФК ёки ЎФА нинг ҳуқуқий ваколат доираси остига ўтказилиши керак.

2. Миллий даражадаги барча ички низоли масалалар ЎФА нинг ҳуқуқий ваколат доираси остида бўлади, жумладан: иккаласи ҳам ЎФА га тегишли бўлган томонлар орасидаги низолар. ФИФА нинг ҳуқуқий ваколат доираси остида барча халқаро масалалар бўйича низолар ҳам бўлади, жумладан: турли миллий федерацияларга ва/ёки континентал Конфедерацияларга тегишли бўлган томонлар орасидаги низолар.

68-модда. Спорт арбитраж суди

1. ФИФА Уставининг тегишли моддаларига мувофиқ, ФИФА нинг якуний қарорлари бўйича ҳар қандай апелляциялар Швейцариянинг Лозанна шаҳридаги Спорт арбитражи судида (CAS) муҳокама қилиниши лозим. Бироқ Спорт арбитражи суди футбол қоидаларининг бузилиши, камида тўртта матч ёки уч ой муддатга ихтисосликдан маҳрум қилиш (дисквалификация)га тааллуқли бўлган масалалар, ёки миллий федерация ва/ёки китъа Конфедерацияларининг Арбитраж трибуналлари томонидан мустақил равишда ва лозим даражада қабул қилинган қарорлар бўйича апелляцияларни қабул қилмайди.

2. ЎФА, ФИФА ёки Спорт арбитражи суди қабул қилган барча якуний қарорлари билан ўзининг ҳамда ўзининг аъзолари, футболчилар, расмий шахслар ва агентларининг тўлиқ розилигини таъминлаши зарур.

V. МОЛИЯ

69-модда. Молиявий ҳисобот даври

1. ЎФАнинг молиявий-ҳисобот даври ҳар календарь йилнинг 1 январидан бошланиб, 31 декабрида тугайдиган молиявий бир йил бўлиши шарт.

2. ЎФА нинг даромадлари ва харажатлари шундай тарзда юритилиши лозимки, ЎФАнинг улар бўйича баланси молиявий-ҳисобот даври ўтганидан кейин, у билан мос келиши даркор. ЎФА нинг асосий мажбуриятлари захираларнинг мавжудлиги билан қафолатланиши керак.

3. Бош котиб ЎФА ва унинг ҳисобдор ташкилотларнинг ҳар йиллик ҳисоботини тузиш учун жавобгар бўлади.

4. ЎФА фаолиятининг харажатлари сметасининг лойиҳаси ЎФА Ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланади.

70-модда. Даромадлар

1. ЎФА қуйидаги даромад манбаларига эга:

- а) аъзолик бадаллари;
- б) ФИФА, ОФК ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан тўланадиган пул маблағлари;
- в) давлатдан тушган субсидиялар;
- г) молиявий фаолиятдан, қимматли қоғозларни сотишдан, тадбиркорлик, маркетинг ва бошқа иқтисодий фаолиятлардан тушган даромадлар;
- д) пуллик хизматларни кўрсатишдан тушган маблағлар
- е) турли жисмоний ва юридик шахслар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, хусусан чет эл инвесторларидан тушган ихтиёрий ҳомийлик ёрдами;
- ё) фондлар маблағлари;
- ж) спорт-томоша тадбирларини ўтказишдан тушган даромадлар;
- з) реклама фаолияти;
- и) ЎФАнинг логотопи ва бошқа рамзларидан лицензия шартномалари асосида фойдаланганликдан бериладиган ҳақ;
- й) ЎФАга номулкий ҳуқуқлари тегишли бўлган бошқа муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар объектларини сотиш ва лицензия асосида фойдаланишга беришдан тушган маблағлар;
- к) қонунчиликка мувофиқ молиялаштиришнинг бошқа манбалари.

71-модда. Харажатлар

1. ЎФА қуйидаги харажатларни кўради:

- а) бюджетда кўрсатилган харажатлар;
- б) Конгрессда маъқулланган бошқа харажатлар ва Ижроия қўмитаси ўзининг ваколатлари доирасида мустақил тасдиқлай оладиган харажатлар
- в) ЎФА нинг мақсадларига мувофиқ бўлган бошқа ҳар қандай харажатлар.

72-модда. Мол-мулк

1. ЎФА ва унинг ҳудудий бўлинмалари ўз фаолиятини самарали таъминлаш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз мулки бўлган ва/ёки ижарага олинган маъмурий ва қўшимча биноларга эга бўлиши, спорт базасини (спорт заллари, бассейнлар, майдончалар ва ҳоказоларни) ижарага олиши, тиббиёт хонаси, кино-, фото-, видеолaborаториялар, методика хонаси, жиҳозлар ва инвентарь, методик адабиётлар, кўргазмали қўлланмалар, автотранспорт, техник ва электрон воситалар, ер участкалари, бинолар, иншоотлар, турар жой фондига, сўмда ва хорижий валютада пул маблағларига, қимматли қоғозлар ҳамда бошқа кўчар ва кўчмас мулкка эга бўлиши мумкин.

2. Ҳудудий ассоциациялар ЎФА ёки бошқа ташкилотлар томонидан берилган мол-мулкнинг, шунингдек ассоциациянинг ўзи бошқа қонуний асосларда сотиб олган мол-мулкнинг эгаси ҳисобланади.

73-модда. Мустақил аудит

1. Конгресс томонидан тайинланган мустақил аудиторлар, бухгалтерлик ҳисобининг зарур стандартларига мувофиқ Молиявий қўмита тасдиқлаган ҳисобларни текширишлари ва шу асосида Конгрессга ҳисобот тақдим этишлари лозим. Аудиторлар 3 йил муддатга тайинланадилар. Ушбу мандат унинг амал қилиш муддати тугаганда, қайтадан тикланиши мумкин.

74-модда. Аъзолик бадаллари

1. Аъзолик бадалларини мусобақаларда иштирок этиш ҳуқуқи учун, мураббийлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун, мусобақаларнинг ҳакамлигини ўтказиш ҳуқуқи учун, мусобақаларни назорат қилиш ҳуқуқи учун, ЎФА томонидан ўтказиладиган бошқа

тадбирларда қатнашиш ҳуқуқи учун тўлаш зарур. Янги аъзоларнинг жорий йил учун ҳар йиллик бадаллари, улар қабул қилинган Конгресс ёпилган кундан бошлаб, 30 кун мобайнида тўланади.

2. Конгресс Ижроия қўмитасининг тавсиясига кўра, ҳар 2 йилда йиллик аъзолик бадалларининг қийматини белгилайди. У барча аъзолар учун бир хил бўлиши ва энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ортиб кетмаслиги шарт.

75-модда. Даъволар бўйича иш юритиш

ЎФА аъзолар ўртасидаги даъволарни кўриб чиқиш учун иш юритишда аъзоларнинг ҳар қандай активларини қабул қилиши мумкин.

76-модда. Тўловлар

1. ЎФА матч (баҳс)ларда қатнашганлиги учун ўзининг аъзоларига тўловлар тўланиш зарурлигини таъсис этиши мумкин.

VI. МУСОБАҚАЛАР ҲАМДА УЛАРГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАР

77-модда. Мусобақалар

1. ЎФА Ўзбекистон Республикаси ҳудудида футбол бўйича қуйидаги мусобақаларни ташкил этади ва мувофиқлаштиради:

а) ҳаваскорлар, ярим профессионаллар ва профессионаллар орасида футбол бўйича ички мусобақалар – чемпионатлар, кубоклар, биринчиликлар, мусобақалар, фестиваллар, матчлар, ўйинлар, учрашувлар ва барча даражада, тоифа ва миқёслардаги бошқа мусобақалар, шу жумладан, мажмуали оммавий-спорт тадбирлари киритилган;

б) ҳаваскорлар, ярим профессионаллар ва профессионаллар орасида футбол бўйича халқаро мусобақалар – чемпионатлар, кубоклар, биринчиликлар, мусобақалар, фестиваллар, матчлар, ўйинлар, учрашувлар ва мазкур Уставга ҳамда ФИФА ва ОФК талабларига зид бўлмаган, бошқа мусобақалар;

2. Ижроия қўмитаси, ЎФАга тобе бўлган тузилмаларга мусобақаларни ташкил этиш ҳуқуқларини бериши мумкин. ЎФАга тобе тузилмалар томонидан ташкил қилинадиган мусобақалар ЎФАнинг ўзи томонидан ташкил этиладиган мусобақалар билан аралашиб кетмасмаслиги даркор. ЎФА ташкил қиладиган мусобақалар устувор аҳамиятга эга бўлиши керак.

3. Ижроия қўмитаси шунга боғлиқ равишда махсус регламентларни қабул қилиши мумкин.

78-модда. Клубларни лицензиялаш

1. ЎФА нинг Ижроия қўмитаси ЎФА нинг мусобақаларида клублар иштирок этишини мунтазам бошқариб туради ва клубларни лицензиялаш қоидаларини ўрнатади.

79-модда. ЎФА ва аъзоларининг мусобақаларга бўлган ҳуқуқлари

1. ЎФА ва унинг аъзолари илгаридан, унинг бевосита юрисдикцияси остида ўтказиладиган ўтказиш формати, вақти, жойи ва қоидалари билан боғлиқ ҳар қандай чекловларсиз мусобақалар ва бошқа тадбирлар билан боғлиқ бўлган барча ҳуқуқларнинг эгалари бўлиб ҳисобланадилар. Бундай ҳуқуқларга, бошқалардан ташқари, ҳар қандай молиявий ҳуқуқлар, аудио/видеоёзув ва радиоэшиттиришларга бўлган ҳуқуқлар, телевизион эшиттириш ва кўрсатишга бўлган ҳуқуқлар, мультимедиа ҳуқуқлари, реклама ва маркетингга бўлган ҳуқуқлар ҳамда муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги каби интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлари киради.

2. Ижроия қўмитаси ушбу ҳуқуқлар қандай ва қайси муддатга фойдаланилишига боғлиқ равишда қарорлар қабул қилади ва ушбу масала бўйича махсус регламентларни тасдиқлайди. Ижроия қўмитаси яқка тартибда, учинчи томон билан биргаликда ёки мазкур ҳуқуқлардан алоҳида фойдаланиш, ёки учинчи томон орқали тўлиқ фойдаланишга тааллуқли бўлган қарор қабул қилади.

80-модда. ЎФА ва аъзоларининг мусобақаларга бўлган ҳуқуқларини ўтказишга бўлган санкция

1. ЎФА ва унинг аъзолари ўтказиш формати, вақти, жойи билан боғлиқ ҳар қандай чекловларсиз ҳамда уларнинг техник ва ҳуқуқий томонларисиз, уларнинг юрисдикцияси остида ўтказиладиган футбол баҳслари ва турнирлари билан боғлиқ бўлган турдош ҳуқуқлар объектларини тарқатишга бўлган ҳуқуқларни ўтказиш учун тўлиқ жавобгар бўладилар.

81-модда. Халқаро ўйинларва мусобақалар

1. Терма жамоалар ёки клублар орасида халқаро ўйинлар ва мусобақаларни ташкил этиш учун жавобгарлик тўлиқ равишда ФИФА зиммасига юкланади. Ҳеч қандай ўйинлар ёки мусобақалар ФИФА Ижроия қўмитасининг дастлабки рухсатисиз ўтказилиши мумкин эмас. Бундан ташқари, ФИФА Регламентига мувофиқ, тегишли қитъа Конфедерациясининг рухсати ҳам талаб қилиниши мумкин.

2. ЎФА ФИФА томонидан тузилган, халқаро даражада мувофиқлаштирилган календар таквимга амал қилиши лозим.

82-модда. ЎФАнинг халқаро алоқалари

1. ЎФА ФИФА аъзолари бўлмаган, ёки ФИФА билан келишилмаган ва тасдиқланмаган қитъа Конфедерацияларининг вақтинча аъзолари бўлган миллий федерациялар билан матчлар ўтказиш ёки спортга доир алоқаларни ўрнатиш ҳуқуқига эга эмас.

83-модда. ФИФА рухсати

1. ЎФА нинг таркибига кирувчи ҳудудий ассоциациялар, клублар, лигалар ва бошқа клуб гуруҳлари, ЎФА ва бошқа миллий федерациянинг, шунингдек, ФИФАнинг рухсатисиз, бошқа миллий федерациялар таркибига кириши ёки бошқа миллий федерациялар ҳудудидаги мусобақаларда иштирок этиши мумкин эмас, истисно ҳолатлардан ташқари.

VII. ЯКУНИЙ ҲОЛАТЛАР

84-модда. Қутилмаган вазиятлар ва форс-мажор ҳолатлар

1. Ижроия қўмитаси бюроси мазкур Уставда назарда тутилмаган ҳар қандай масалалар бўйича ёки форс-мажор ҳолатларида қатъий қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

85-модда. ЎФАни тугатиш ва қайта ташкил этиш тартиби

1. ЎФАни тугатиш ва қайта ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай қарор, уни қабул қилиш учун ушбу мақсадларда махсус чақиртирилган Конгрессда овоз берадиган ЎФА нинг барча аъзолари овозларининг 2/3 кўпчилигини талаб қилади.

2. ЎФА тугатилган ҳолларда унинг мол-мулки, кредиторлар талаби қондирилгандан сўнг ЎФАнинг уставида кўрсатилган мақсад ва вазифаларга йўналтирилади.

86-модда. Кучга кириши

1. Мазкур Устав ЎФАнинг 2020 йил 26 декабрда Тошкент шаҳрида ўтказилган навбатдаги Конгрессида қабул қилинган ва у давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб кучга киради.

Ўзбекистон Футбол Ассоциацияси
Биринчи вице-президенти

Р.С. Ирматов